



46-47  
(1468-1469)-sonlar  
4-dekabr  
2020

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

# Xabar

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАТСИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

**ИНСОННИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ УСТУВОР**  
Конституция ва айбизлик презумпцияси **3-бет**

**НИБЕРЖИНОЯТ ХАВФИ**  
Биз кибермакондаги каби ҳаётда ҳам қондаларга риоя қилишимиз зарур **6-7-бетлар**

**ИННОВАЦИИ**  
В ташкентском аэропорту установили киоски самостоятельной регистрации **11-бет**

**ОСИЁ БИЛАН ЕВРОПАНИ БОҒЛОВЧИ МАМЛАКАТГА САЁХАТ!**  
"Xabar" мухбири Туркияда хизмат сафарида бўлиб, "Пандемия шароитида туризм" лойиҳасида иштирок этди **12-13-бетлар**

**МАСЛАҲАТ**  
"Ишқилиб, телефоним синмаган бўлсин..." Телефонга тобеликдан кўтилса бўладими? **17-бет**

**АЛОҚА ОЛАМИДА**  
Nokia биринчи ноутбугини чиқаради **18-бет**

**ХАЛҚАРО КЎНГИЛЛИЛАР КУНИ**  
Волонтер: "Мен ёрдамга тайёрман" **21-бет**

## ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ

### Ўқувчилари дастурлаш бўйича билимга эга бўлдилар

Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчилари "Дастурлаш соати" (Hour of Code) маҳорат дарсида иштирок этдилар. Маҳорат дарси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги (ПИИМА) томонидан ташкил этилди.



## ТАНЛОВ

### ТАТУда "IT MARAFON-2021"га старт берилди

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ташаббуси билан юртимиздаги мактаб ўқувчилари, талабалар ва дастурлашга қизиқувчи барча ёшлар учун "IT MARAFON-2021" танлови бошланди.

IT MARAFONда иштирокчиларга оммабоп дастурлаш тилларидан фойдаланган ҳолда мураккаб алгоритмли масалаларни ишлаш вазифаси берилди. Ушбу марафон уч босқичда бўлиб ўтади.

Биринчи босқичда иштирокчиларнинг 45 кунлик дастурлаш бўйича билимлари оширилади. Бунда ТАТУ профессор-ўқитувчилари томо-



нидан барча иштирокчиларга танловга қўйиладиган масалаларни ечиш бўйича кез ракли тушунча ва йўриқнома-лар берилди. 45 кунлик марафоннинг интенсив дарслари бепул онлайн тарзда олиб борилди. Марафон натижалари бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган иштирокчи-

лар иккинчи ва учинчи босқичларга йўлланма оладилар.

Иккинчи босқич фақат ТАТУ ёки унинг филиаллари биринчи босқич талабалари ўртасида ўтказилади. Унда университет талабаларининг иштироки таъминланади ҳамда тақдирлаши бўлиб ўтади. Иккинчи босқич 2021

йилнинг январ ойи охирида ТАТУ ва унинг филиалларида ташкил этилади.

Бошқа иштирокчилардан тузилган жамоалар ўртасида бўлиб ўтадиган учинчи босқичда мамлакатимизнинг барча ёшлари жамоа (уч кишилик) кўринишида қатнашишлари мумкин. Учинчи босқич 2021 йилнинг май ойи охирида республика миқёсида ўтказилади.

Дастурлаш марафонидан 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча хоҳловчилар иштирок этишлари мумкин. "IT MARAFON-2021" дастурлаш мусобақасининг мукофот жамғармаси 60 миллион сўми ташкил қилади.

Маълумот учун: robocontest.uz сайтида дастурлаш бўйича ўзбек тилида курслар мавжуд.

## ОСИЁНИНГ ТОП-8 ЭЛЕКТРОТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ

(2019 йилда олинган даромад бўйича, млрд.)

1. Samsung (Ж. Корея) – \$197,0
2. Foxconn (Тайван) – \$172,9
3. Hitachi (Япония) – \$80,6
4. Sony (Япония) – \$76,0
5. Panasonic (Япония) – \$68,9
6. LG (Ж. Корея) – \$53,5
7. Pegatron (Тайван) – \$44,2
8. Mit. Electric (Япония) – \$41,1



Манба: Fortune



## 2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

umadan  
umagacha



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 ноябр куни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда ҳар бир туман ва шаҳарнинг "ўсиш нуқталари"га асосланиб, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни миқозбай ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 27 ноябр куни электротехника ва фармацевтика соҳаларида инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда фармацевтика тармоғидаги лойиҳалар ижроси ҳам муҳокама этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 ноябр куни ҳудудларда жамоат транспортини ривожлантириш чоратадбирлари муҳокама қилинди. 23 ноябр куни Тошкент шаҳрида жамоат транспортини бошқариш ва инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси кўриб чиқилган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари бу янги тизимни бошқа шаҳарларда ҳам йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берганди. Транспорт вазирлиги ва ҳокимликлар томонидан шу борадаги имкониятлар ўрганилиб, таклифлар тайёрланди. Йиғилишда ушбу таклифлар ҳар бир ҳудуддаги биттадан туман ва шаҳар мисолида муҳокама қилинди.

1 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти - Элбоши Нурсултон Назарбоев ҳамда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

2 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

2 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташир билан бўлиб турган Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Дмитрий Козак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шoirи Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорлар эълон қилинди.

# ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ

## ЎҚУВЧИЛАРИ ДАСТУРЛАШ БЎЙИЧА БИЛИМГА ЭГА БЎЛДИЛАР

Ахборот технологиялари ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди ва бугун меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиш учун бу йўналишда билимларга эга бўлиш керак. Биз тизимиздаги мактаблардаги ўқувчилар учун бу каби маҳорат дарсларини ташкил қилишни режалаштирганмиз. Бу орқали болаларга дастурлашни ўрганиш қизиқ бўлишини кўрсатмоқчимиз. Яқин вақт ичида ПИИМА тизимидаги мактаблар ўқувчилари яна бошқа маҳорат дарслари ва тренингларда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар, - деди ПИИМА директори ўринбосари Амирулла Абдуллаев.

Маҳорат дарсини ўтказиш учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабининг ўқитувчилари тренер сифатида жалб этилди. Тренерлар машҳур Minecraft ўйинига асосланган Hero's Journey ("Қаҳрамон йўли")ни дастурлашни ўргатишга қаратилган дарслардан фойдаланишди.

Мазкур дарслар Microsoft корпорацияси томонидан яратилган. Корпорация муҳандислари болажонларга информатика асосларини осон ва тушунарли тилда ўрганишлари учун мазкур дастурни тайёрладилар. Ундан дарс вақтида, синф соатларида ва уй вазифаларини бажаришда фойдаланиш мумкин. Муаллифлар ижодий ёндашган ҳолда агентлар, яъни қизиқарли қаҳрамонлар ёрдамида ўқувчиларга дастурлашнинг асосий тушунчалари ва принципларини тақдим этадилар.



### ХАМКОРЛИК

## Ўзбек стартапи SEEDSTARS WORLD 2020/21 танловининг минтақавий босқичига йўл олди

IMAN стартапи ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ўтказилаётган энг йirik халқаро стартап танловининг миллий саралаш босқичининг голиби деб топилди. Мазкур лойиҳа халқаро мусобақанинг минтақавий босқичида иштирок этади.

IMAN харидор ва инвесторларни бирлаштирувчи ягона савдо майдончадир.

Танловнинг минтақавий босқичининг ойлик инвестицион дастурини, стартапларга сармояларни тайёрлашга ёрдам берадиган қайта ишланган ва мослаштирилган дастурни ўз ичига қамраб олади. Минтақавий босқич натижаларига кўра, ўн та

стартап танлаб олиниб, ҳар бирига 50 минг доллар миқдоридида сумма ажратилди ҳамда танловнинг Гранд финалида иштирок этишга ва бош соврини - 500 минг долларни қўлга киритишга имконият берилди.

Минтақавий босқич 2021 йил январ ойининг охирида онлайн тарзда кўрсатилади. Томошабинлар танлов голибининг ҳар бир чиқишларини кўришлари ва стартап жомаларининг тарихлари ҳақида кўпроқ билиб олишлари мумкин. Чиқишларнинг якунларида минтақавий голиблар ва 2021 йил март ойида ўтказилаётган Гранд-финал иштирокчилари аниқланади.



### УЧИНЧИ ТАШАББУС


#### ОЛТИНСОЙДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида Рақамли технологиялар ўқув маркази фаолият бошлади.

Очилиш маросимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси, туман ҳокимлигининг раҳбар ва ходимлари, меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Сурхондарё вилоятида ташкил этилган ушбу тўртинчи ўқув маркази замонавий компьютер жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, компьютердан самарали фойдаланиш, дастурлаш, веб-дизайн, компьютер графикаси асослари каби ихтисослашган ўқув курсларни ташкил этиш учун мўлжалланган. Шу билан бирга, ўқув марказида тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакасини оширишни режалаштирилган.

### MY.GOV.UZ



#### ЯГОНА ПОРТАЛДА ЯНГИ ХИЗМАТ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали уйдан чиқмай туриб ҳам олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганингизни тасдиқловчи архив маълумотномасини олишингиз мумкин.

Бунинг учун ЯИДХПда авторизациядан ўтинг ва хизматдан фойдаланиш бўйича сўровномани тўлдиринг. Ушбу маълумотнома 5 иш куни давомида шакллантирилади ва электрон кўринишида ЯИДХПдаги шахсий кабинетингизга юборилади. Хизмат бепул кўрсатилади.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномасини олиш учун қуйидаги ҳаволага ўтинг: <https://my.gov.uz/service/369>



# КОНСТИТУЦИЯ ВА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

Бугунги кунда давлатимиз томонидан жамият ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган концептуал ислохотлар негизда миллий қонунчилигимизни "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устувор" деган тамойилга асосланган ҳолда такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Миллий қонунчилигимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлган жиноят-процессуал соҳасига тааллуқли бўлган ҳамда қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси тамойилларини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони шулар жумласидандир.



Айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ норма Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонуни-нинг 10-моддасида айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча қадар, айбсиз ҳисобланиши тарзида келтирилган.

Мазкур фармон билан қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни таъминлаш мақсадида соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этиш суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан биринчи даражали эътибор қаратиш лозим бўлган устувор вазифа этиб белгиланди.

Шу ўринда, "айбсизлик презумпцияси"га тўхталадиган бўлсак, ушбу принцип инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи асосий конституциявий тамойиллардан бири бўлиб, шахснинг айби қонунчиликда белгиланган тартибда ва жиноят ишларини юритиш ваколатига эга бўлган судлар томонидан қонуний кучга кирган ҳукми билан исботланмагунча, айбсиз ҳисобланишини англатади.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчи учун нафақат асоссиз айбланишдан, балки ҳукм қилинишдан ҳимояловчи кафолат бўлиб хизмат қилади. Унинг айби қатъий исботланиши ва бартараф этилиши мумкин бўлмаган шубҳаларни айбланувчининг фойдасига ҳал қилиниши ҳақидаги талаб давлат органларини иш ҳолатларини ҳолисона, ҳаққоний аниқлашга ундайди, бусиз иш судда асосли ва адолатли ҳал этилиши мумкин эмас.

Жиноят ҳуқуқи назариясида "айб" тушунчасига "шахснинг ўзи томонидан содир этилган, Жиноят кодексига назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиши

(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатан бўлган руҳий муносабатининг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги кўриниши", деб таъриф берилган.

## Жаҳон тарихида айбсизлик презумпцияси биринчи марта 1789 йил

26 августдаги Франция давлатининг Фуқаро ва инсон ҳуқуқлари Декларациясида фуқаро шахсий оозодлигининг процессуал кафолати сифатида эълон қилинди. Хусусан, ушбу Декларациянинг 9-моддасида ҳар бир шахснинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу тушунча Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция каби халқаро умумэтироф этилган ҳужжатларда тегишли нормалар билан баён этилди.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 11-моддасида "жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақли эканлиги" ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддасида "жиноят содир этганликда айбланаёт-

ган ҳар қандай шахс қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ деб саналиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилган".

Шунингдек, миллий қонунчилигимизда ҳам айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ тегишли нормалар белгиланган бўлиб, ушбу нормалар мамлакатимизда бевосита инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ва кафолатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, айбсизлик презумпцияси Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддасида мустахкамланган бўлиб, унинг мазмунини қуйидагиларда кўринади:

- биринчидан, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди;
- иккинчидан, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ норма Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонуни-нинг 10-моддасида айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча қадар, айбсиз ҳисобланиши тарзида келтирилган.

## Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунча қадар айбсиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги ҳамда қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, судланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги ифодаланган.

Айбсизлик презумпциясига тааллуқли бўлган юқоридаги қонун ҳужжатлари тахлили, ушбу принцип нафақат "гумон қилинувчи", "айбланувчи" ёки "судланувчи", балки Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросининг маълум бир жиноят иши ҳисобидан айблиликл масаласи қонуний тартибда кўриб чиқилиб, айби исботланмагунча айбсиз эканлиги тўғрисида ҳуқуқий мавжудлигини белгилайди.

Шунингдек, жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасига мувофиқ исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга ошириши белгилаб қўйилган. Шахснинг айбдорлигини исботлаш суриштирув ва тергов органларига юклатилган бўлиб, бу вазифа гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан амалга оширилиши шарт эмас. Бу уларнинг ҳуқуқи бўлиб, мустақил равишда ёки ҳимоячиси орқали исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Яна шунини таъкидлаш керакки, айбсизлик презумпцияси учун Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 3-қисмида мустахкамланган ҳолатлар ҳам аҳамиятга моликдир. Жумладан, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Бу қоида жиноят ва жиноят - процессуал қонунларни қўллашда татбиқ этилади.

Хулоса ўрнида, мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигидаги айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ бўлган нормаларни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, айби суд ҳукми билан исботланмаган ҳар қандай шахснинг айбсизлик тўғрисидаги ҳуқуқларини бевосита таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 1-қисмида назарда тутилган шахслар доирасидаги "гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи" тушунчаларини "Ҳар қандай шахс" тушунчаси билан ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, тегишли суд ҳужжати билан қонунчиликда белгиланган тартибда айби исботланмаган ҳар қандай Ўзбекистон Республикаси фуқароси асоссиз айбланишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Иккинчидан, Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг 86-модда 2-қисмида белгиланган исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги ҳақидаги қоидадан келиб чиқиб, ушбу кодекснинг 23-моддаси 2-қисмидаги гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги нормаси кейин "шунингдек ушбу кодексда белгиланган тартибда исбот қилишда иштирок этишлари мумкин"лиги тўғрисидаги қоидалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

**Дилядора БАЗАРОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети профессор вази-фасити бажарувчиси, юридик фанлар номзоди.



## 4 ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

# СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Яқин вақтгача талабаларда ўз гоёларини лойиҳага айлантириш учун маслаҳат ва кўрсатма бериб борадиган стартап платформа, ментор ва мураббийлар ёрдамидан фойдаланиш имконияти йўқ эди. Эндиликда улар IT-Парк ва университетларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли инкубация марказларида таълим олишлари мумкин.

## OTMлардаги инкубация марказлари нима учун керак?

IT-Парк ва OTM томонидан кўрсатилган ёрдам туфайли талабалар нафақат ўз гоё ва лойиҳаларини амалга ошириши ёки устоз, мураббий ва мутахассислардан кўмак сўраши, балки стартап экотизмининг ўзида ҳам иштирок этиб, тадбиркорлик муҳитини тўлиқ ҳис қилиш имкониятига эга.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида иқтисодиётнинг барча соҳалари ва ахборот технологиялари ўртасида синергия яратиш мақсадида OTMлар, илмий-тадқиқот институтлари ва IT-Паркларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу топшириқдан сўнг университетлар ёш ихлосмандлар учун ўз гоёларини инновацион лойиҳаларга айлантиришда ёрдам берадиган инкубация марказларини ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда.

## Инкубация маркази нима?

IT-Паркнинг бир ярим йиллик фаол фаолияти давомида Ўзбекистонда кўп ёшлар ҳалигача "стартап" нималиги тўғрисида асосий тушунчаларга эга эмаслиги аниқланди. Буни тузатиш учун IT-

Парк ўз фаолиятини тубдан янгилаб беришга, шунингдек, нафақат ташкил этилган тадбиркорлар ва йирик IT компаниялар, балки тадбиркор бўлиш ёки йирик IT компанияларга раҳбарлик қилиш истагида юрган салоҳиятли ёш ва истиқболли авлодлар билан ишлашга эътибор қаратишни мақсад қилди.

Шу тариқа талабаларга мўлжалланган юқори технологияли стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш платформаси сифатида хизмат қиладиган инкубация марказларини яратиш гоёси пайдо бўлди.

## Инкубация марказидан талабалар нима олади?

Инкубация марказлари фаолияти доирасида талабалар учун турли маслаҳатлар (консультация), мусобақа, хақатон ва семинарлар ўтказилади. Шунингдек, талабалар вақтини самарали ва сифатли ўтказишга ёрдам бериш учун улар инкубация дастурлари ва иш жойлари билан ҳам таъминланади.

Олий ўқув юртлири қошидаги инкубация марказлари ёшларга бошланғич экотизим ҳақида асосий ва фундаментал билим бериш билан бирга, ўзларини ахборот технологиялари соҳасида тадбиркор сифатида намоён этишларига ҳам кўмаклашади. Шу тариқа "стартап" тушун-



часи Ўзбекистондаги ҳеч бир талабага бегона бўлмайд.

## Иқтисодий тармоқлар билан IT синергияси қандай яратилади?

Маълумки, иқтисодиётнинг барча соҳалари ахборот технологиялари, технологик маҳсулотларни жорий этиш ва улар билан ўзаро боғлиқликка муҳтож. Бу нафақат Ўзбекистонга, балки бутун дунёга тегишлидир. Агар биз жаҳон тажрибасидан мисол келтирадиган бўлсак, унда ишонч билан айтишимиз мумкинки, IT мутахассиси мустақил равишда иқтисодиёт, тиббиёт, туризм ва бошқа йўналиш хусусиятларини қамраб оломайди. Инновацион лойиҳани яратиш учун "соҳа мутахассиси + IT мутахасси-

си" ҳаволаасидан иборат бўлган жамоа керак.

Ўзбекистонда бундай алоқани инкубация марказлари орқали амалга ошириш мумкин. Бу ерда турли йўналишдаги талабалар мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини аниқлаш, шунингдек, ноёб технологик лойиҳаларни яратиш мақсадида IT мутахассислари ва давлат идоралари вакиллари билан ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлишди.

## Нималар яратилди?

Бугунги кунга қадар мамлакатимизнинг қуйидаги олийгоҳларида инкубация марказлари очилди: Тошкентдаги Турин политехника университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ва Тошкент шаҳридаги Амйти университети. Ҳозирги кунда ушбу марказларда стартап лойиҳаларни янада ривожлантириш мақсадида фаол ишлар олиб борилмоқда.

Яқин орада Тошкент молия институти, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент шаҳридаги Вебстер университети, шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида инкубация марказларининг очилиши кутилмоқда.

Манба: [it-park.uz](http://it-park.uz)

## МАЪНАВИЯТ ТАДБИРЛАРИ

### ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг 9та кафедраси мудири ва етакчи ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Самарқанд туманидаги 74та маҳаллада "Янги Ўзбекистон - янги дунёкараш" мавзусида тарғибот тадбирларини ўтказдилар.

Шу муносабат билан 2020 йилнинг 1 декабрида Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов тадбирларда фаол бўлган бир гуруҳ профессор-ўқитувчиларни тақдирлади. Маросимда ТАТУ Самарқанд филиалидан Н.Зайналов, Д.Тоирова, Д.Якубжанова, Ш.Асқоров, Ф.Усмонов ва А.Ҳотамовларга вилоят ҳокимининг Ташакурномаси топширилиб, алоҳида эътироф этилдилар.

ТАТУ Самарқанд филиали  
Ахборот хизмати

# ФИДОЙИЛАР БОР БЎЛСИН!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали, унинг шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида бой иш тажрибасига эга ходимлар жуда кўп.

Ана шундай тажрибали ходимлардан бири Бахтиёр ҲАБИБОВдир. Унинг меҳнат дафтарчасида атиги биргина сўз бор: "1991 йил 16 январ. Қарши почта алоқа тармоғининг Марказий бўлими хабарчиси вазифасига ишга олинсин". Салкам ўттиз йил бўлибди-ки, почталоқ меҳр кўйган касбини ардоқлаб келмоқда.

Бахтиёр Ҳабиев 1990 йилда Қарши шаҳридаги 19-мактабни биритиш арафасида ишга келган. Бир муддат шогирдликка тушиб, иш ўрганган. Тармоқнинг ўша вақтдаги раҳбари Рустам Дилмуродов уни расман ишга қабул қилиб адашмаган экан. Йўлдош Ниёзов, Равшан Жўраев, Рустам Дилмуродов, Валентина Дудко ва бошқа почта билимдонларини ўзига устоз деб билди. Улардан фаолият юритишда зарур бўлган барча билимлар-

ни кунт билан ўрганди. 1994-1996 йилларда Тошкент алоқа коллежида почта алоқаси мутахассислиги бўйича ўқиб ҳам олди.

Қаҳрамонимиз айнаи дамда Қарши



шаҳридаги 30га яқин корхона ва ташкилотларга, бир мактаб, учта мактабгача таълим ташкилотига, бешта кўча ва бир миттитуман худудига сидқидилдан хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Ҳозирда иш жараёнлари автоматлаштирилган, – дейди Бахтиёр Ҳабиев.

Бу тизим ўғирликларнинг олдини олишда, назоратни осонлаштириш, тўловларни тез ва осон амалга ошириш ва албатта ходимнинг вақтини тежашда жуда аҳамиятли. Яқин кунларгача мижоздан қабул қилинадиган коммунал тўловларини расмийлаштириш қўлда бажарилиб, тармоқнинг ҳисоб бўлимига топширилган эди. Эндиликда коммунал идорага тўловларнинг ўз вақтида етиб бориши таъминланиб, кечикишлар олди олинмоқда. Йиғиндиларни ҳисоблаш, жамлаштириш каби ортиқча расмиятчиликларга барҳам берилди, натижада иш суръати тезлашди, вақт тежаланди. Соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади ҳам шу вазифага қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, филиал жамоаси бугунги кунда аҳоли учун янги-янги замонавий хизмат турларини ташкил этиб, меҳнат самарадорлигини кундан-кунга ошириб бормоқда. Бу каби юмушларни адо этишда Бахтиёр Ҳабиев сингари соҳа фидойиларига қарчаманг, деб қоламиз.

Афтондил ИСМОИЛОВ




Биз қишлоқда яшаймиз. Очигини айтсам, биз тарафда олийгоҳларда ўқиганлар ҳам, ўқийдиганлар ҳам кам. Лекин бор, шуни сизга ҳам шукр қиламиз. Болалигимдан университетда ўқийдиган қишлоқдошларимга ҳавас қилиб улғайдим. Тўқсон ёшдан ошган бўвим “Илоҳим, ана шу кўшниларга ўхшаб, болагинамнинг боласи ҳам ўқишларга ўтиб кетсин. Шу кунларни кўриш менга ҳам насиб этсин”, деб дуо қиларди. Ҳавас яхши хислат экан. Мана, бугун мен ҳам талаба-ман. Ўз гуруҳимнинг сардориман. Аммо...

# ЎЗИНГГА ЎХШАГИН, БОЛАМ!

Коррупциясиз Ўзбекистонни қура оламиз(ми?)

**А**ммо бир вақтлар ҳавас қилган қишлоқдошларимга бўлган ҳурматим қайтган. Тўғри, бир жойда яшаймиз, салом-алик қиламиз. Бироқ негадир ичимда уларга нисбатан бир ўт бордай туюлади. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор. Университетда ўқиган икки қишлоқдошимиз ҳам олийгоҳни битириб, яхши ишга жойлашди. Кейин кўп вақт ўтмай бўша(тили)шди. Одамларнинг айтишича, коррупция билан қўлга тушишибди. Лекин аниғи ҳам шу. Орадан йиллар ўтса-да, ҳар иккиси ҳам ҳеч бир давлат ташкилотига ишга киролмай, хусусий тадбиркорлик қилиб юрибди. Бувимнинг дуолари ҳам ўзгарган: “Ўзингга ўхшагин, болам”, – дейди энди дуоларида. Ўхшашни ният қилганларим бугун ҳавас қилса арзиғулик эмас. Энг ёмони ҳам мана шу – бир вақтлар ҳавас қилган кишингиз ишончингизни поймол қилса, бундан ёмони бўлмайди. Мен ҳам ўзимга ўхшашни, ўзимдай яшашни ва ўзимдай ишлаб, шу халққа фойдам тегишини, дадам кунда бир неча бор такрорлайдиган ҳалоллик сўзини ҳаётим мазмунига айлантиришни хоҳлайман.

Мақолани юқоридаги ҳаётим ва ҳақиқий мисол билан бошлашим ҳам ўқувчи кўз ўнгига бу коррупция деганларнинг нақадар жирканч, инсонни иймондан айирадиган ёмонлик эканигини гавдалантирса ажаб эмас. Лугавий маъноси лотинчада “бузмоқ” дея таърифланган шу иллат туфайли қанчадан-қанча инсонлар хонадони бузилиб кетди-ю, неча-неча ёшлар тақдири таҳқирланди. Ҳа, тўғри ўқидингиз. Жамиятда қилинган ҳар бир коррупция ортидан биз ёшлар жабр кўрамиз. Агар оқибат, шу йўсинда кетса, бизнинг эртаимиз нима бўлади?! Ахир, баҳо учун пора оладиган ўқитувчи шоғирдларидан нима кутиш мумкин?! Ишга жойлаштириш баҳонаси билан пора илинжида юрган раҳбарнинг ходимларидан нима кутиш мумкин?! Коррупция деб минбарларда нутқ ирод этадиган, ватанпарварлик сўзини ҳар жумласига қўшиб айтадиган, аммо қайси бир масалада ёрдам сўрасангиз, сиздан манфаат кўрмагунча оғиз ҳам очмайдиган баъзи “зиёли”лардан, улар тарбиялаёт-



ган ёшлардан нима кутиш мумкин?! Улардан фақат ва фақат бир нарсани – коррупция деган “таъми ширин, бир татиб кўрса, яна ёмоғи тушларига кириб чиқадиган” иллатни кутиш, нафақат кутиш, балки аини дамда кўриш ҳам мумкин.

Маълумотларга кўра, коррупция тарихи ўта қадимга бориб такалади. Ибтидоий қабилаларда ҳам қабила сардорига совға-салом бериш ва бу орқали жамоада ўз обрўсини, ўрнини мустаҳкамлаб олишни кўзлаган кимсалар бўлган экан. Бу бутун бир инсоният тарихидаги ибтидодан маълумот бўлса, узоққа бормаёлик, ўз ибтидоимиздан мисол келтирайлик. Айтганча, мен учун ибтидо иккига ажралади. Биринчиси, инсониятнинг ибтидоси бўлса, иккинчиси, ўз ибтидоим, яъни нафас ола бошлаганимдан то ақлимни танигунга қадар ўтган даврдир. Хуллас, мактабда бошлангич синфда ўқир эдик.

Баъзи синфдошларим ўзлари билан олиб келган қандларни, шоколадларни ўқитувчимизга беришарди. Негадир ўша кун уларнинг баҳолари “беш” бўларди. Шунда уяга бориб, аямга конфет беришини ва мактабда бўлган воқеани айтиб берганман. Аям нулиб, “Улар баҳони қандга сотиб олишяпти экан. Сенинг қандинг – ақлинг бўлсин.

Саволларга шундай зўр жавоб берки, қанд берганлар сендан ортда қолиб кетсин”, – деган. Биласизми, онам донишмандлар донишманди, оналарнинг онаси қисобланади. Агар ўша вақтда кўлимга қанд тутқазиб, гапларимга эътибор ҳам бермаганида, балки мен ҳам коррупция сўзига “бошқача”, “чиройли” кўз билан қарайдиган кишига айланардим. Бундан Яратганнинг Ўзи асрасин.

2011 йил эди. Операция бўлдим. Шифохонада фақат биргина дўхтир томиримга тушар, қолганлари қўлимни оғритиб юборарди. У томиримга тушиш жараёнида ҳар доим чўнтагига ишора қилар, қайси овқатларни яхши кўришини айтарди. Қишлоқдан ҳали пул келмаганига аям ҳам гапни бошқа ёққа буршига ҳаракат қиларди. Кейин уч кунча ўша шифокор хонамизга кирмай қўйди. Аям чақирса ҳам, қайси бир ишларини баҳона қилиб, ёрдамчи ҳамшираларини жўнатарди. Уч кун томирларим қийнаиб кетди. Охири йиғлаб юбордим. Аям қишлоқдан пул “чақиртирди”. Дадам ҳамсоямиздан қарз олиб, пул олиб келди. Ўша куннинг ўзидеёқ томиримга тушадиган шифокор яхши кўрадиган овқатлар келтирилди. “Чин кўнгилдан” бироз пул ҳам чўнтакка солинди. Қарабсизки, шифокор опа ҳар кун хонамизга кулиб кирадиган, томиримга бирпасда тушиб, кел-

тирилган таомларни мактаб кетадиган бўлди. Ўша пайтлари коррупция ҳақида тушунчам ҳам бўлмаган. Шу баҳона аямдан воқеа сабабини сўрадим. Ахир пул бермасдан, бош шифокорга айтсак ҳам буларди-ку, дедим. Шунда аям кулиб, “Тўғри, бош шифокорга айтсак ҳам бўларди. Аммо арз қилсақ, кейин сенинг томирингга ким тушарди? Унинг устига ўша опани бош шифокорнинг қариндоши ҳам деб, эшитгандим. Уйланма, болам, егани ош бўлсин. Олгани тўйига буюрсин. Ўша пайти чин кўнгилдан бермаган бўлсам ҳам, ҳозир розиман. Асосийси, сен соғайдинг-ку”, – деди... Мана ҳаётим ҳақиқатлар. Мен мақолада коррупциянинг ёмонлиги, унинг жамият тараққиётини таназзулга етаклаши ҳақида устозлар, нотик кишилар айтиб бўлган ва жуда кўп такрорланган чиройли гапларни айтишдан кўра ўз шахсий фикрларимни илгари суришни маъқул кўраман.

Бугун ҳам қўлоғимизга коррупция ҳақидаги хабарлар тез-тез чалиниб туради. Қайси бир раҳбарнинг пора олгани, кимдир қамалгани, бировнинг суди бўлаётгани ҳақидаги хабарлар одатидек туюлиб қолди. Тўғри-ини ёзсам, бу хабарларни эшитишга қўлоқларимиз ўрганди. Бир ҳазилкаш ҳамқишлоғим “Бутун дунёдаги ҳамма инсонлардан фақат бир жуфт чақалоқ қолиб, улар сандиқда сақланса-да, барибир коррупция деганлари давом этaveraди”, деб айтганди. Бу гап ҳазил-куя, аммо ҳазиллар тагида ҳам ҳақиқатлар ётади.

Агар эътиборсизликда давом этсак, чиндан таназзулга юз тутишимиз мумкин. Коррупция нималигини билмайдиган, билишни ҳам хоҳламайдиган авлодни тарбиялаш учун, аввало, катталарнинг ўзи бу тушунчани, унинг маъносини ҳам, балки “ҳаётларидаги мустаҳкам ўрнини” ҳам унутишлари керак.

Муқаддас Куръони қаримда шундай ёзилади. “Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳоқимларингизга пора қилиб узатмангизлар”. Наҳотки, пора олаётганлар динимизда ҳам, жамиятимизда ҳам, умуман инсонийликда ҳам ўз номаъқул ишларининг ман этилганини билишмасан?... Билишсади, балки биздан ҳам яхши билишсади, аммо бунинг тан олгиси келмайди. Зигирдеккина иймони бор инсон бундай номаъқулчилик қилмайди. Мол-дунё, вақтинчалик шону шавкат деб, виждондан кечиш, иймонни унутиш, Ҳаққа қарши бориш – инсоннинг иши эмас. Инсон кўринишидаги номаълум мавжудотнинг иши. Қизиқ, нега номаълум сўзи ўрнида ҳайвон сўзини ишлатмаганимга қизиқаётгандирсиз? Кечирасиз-у, инсонлар қилган гуноҳларига ҳайвонларни рўқач қилмоқчи эмасман. Ахир ўрмонда яшашга рухсат бериш учун бошқа ҳайвонлардан пора олган арслон ҳақида эшитганимиз? Ўз манфаати йўлида улогини сотиб, ҳаёт кечирини кўзлаган эчкини-чи? Йўқ, бундай номаъқул ишларни ҳайвонлар ҳам қилмайди. Улар онгсиз-ку... Онгсизлиги билан бундай ишларни қандай қилиши мумкин, деб кулясизми? Улар онгсиз ҳолда қилмаётган коррупцияни нега биз инсонлар онгли бўла туриб амалга оширяпмиз? Демак, ҳайвондан баттар иборасини инсонларга нисбатан қўллаш хато экан. Балки, биз инсонларга нисбатан одамдан баттар одамлар дейишса, тўғрироқ бўлар...

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, нима бўлган тақдирда ҳам жамиятнинг, жамиятдаги барчани заҳарлайдиган коррупциядай кучли ва томирлари тарихга тақаладиган иллатни енгишимиз керак. Агар енголмасак, охири-миз “вой” бўлади. Яна шу мавзу ҳақидаги хабарларни эшитганда “Яна коррупциями? Одати мавзу-ку”, деб юрсак, жамиятимизни ҳам, онгимизни ҳам ривожлантира олмаймиз. Мен келгусидаги ўн йилликда коррупциясиз Ўзбекистонни орзу қиламан. Қанийди, шу орзу амалга ошса, дунёдаги энг ривожланган мамлакатга айланган бўлардик. Бироқ орзулар амалга ошмоғи учун биз ҳаракат қилишимиз даркор.

Мен коррупцияга қаршиман! Сиз-чи?!

**Ёрқинжон ҲАЙТБОЕВ,**  
Гулистон давлат университети филология факултети биринчи босқич талабаси



# КИБЕРЖИНОЯТ

## Биз кибермаконда қоидаларга риоя қилганимиз

БУГУНГИ КУНДА ШУНЧАКИ БИТТА ТУГМАНИ БОСИШ, ЯЪНИ E-MAIL, АУДИО ЁКИ ВИДЕО ОРҚАЛИ ҲАР ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТНИ УЗАТИШ ЁКИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА. ЛЕКИН МАЪЛУМОТНИНГ ҚАЙ ДАРАЖАДА ХАВФСИЗ АЛМАШИЛАЁТГАНИ ЁКИ БОШҚА ИНСОНГА АХБОРОТ ҚАНЧАЛИК ХАВФСИЗ ЕТИБ БОРАЁТГАНИ ҲАҚИДА ҲЕЧ ЎЙЛАБ КЎРГАНМИСИЗ? БУ САВОЛГА ЖАВОБ КИБЕРХАВФСИЗЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ. ҲОЗИРДА ИНТЕРНЕТ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИНГ ЭНГ ТЕЗ ЎСУВЧИ ИНФРАТУЗИЛМАСИДИР.

Замонавий техника дунёсида энг сўнгги технологиялар инсониятнинг яшаш тарзини ўзгартириб юбормоқда. Лекин янги яратилаётганлари туфайли биз ахборотимизни энг самарали йўл билан ҳам хавфсиз сақолмаймиз. Ва шунинг учун ҳам кибер жиноятлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ҳозирда 60 фоиздан ортиқ молиявий келишувлар интернет орқали амалга оширилади. Шунинг учун бу соҳа катта миқдордаги келишувлар учун энг яхши, сифатли хавфсизлиқни талаб қилади.

Кибермакон компьютер тармоқлари орқали амалга ошириладиган мулоқот майдонини ифодаловчи воқелик сифатида 1990 йилдан бошлаб кенг миқёсда ривожланиб, такомиллашиб келмоқда.

### Киберхавфсизлик

Киберхавфсизлик кўлами фақат ахборот технологиялари саноатида ахборотни ҳимоялаш эмас, балки кибермакон каби бошқа кўпгина турларга ҳам бўлинади. Ўз навбатида, киберхавфсизлик, бу – фақат кибермаконда хавфсизлиқни таъминлашга йўналтирилган стратегиялар, хавфсизликни таъминлаш тамойиллари ва кафолатлари, инсон ресурслари орқали амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда воситалар мажмуидир.

Киберхавфсизлик – тармоқлар, дастурлар ва маълумотлар яхлитлигини ҳужумлардан, зарарлардан ёки рухсатсиз киришдан ҳимоя қилишда ишлатиладиган усуллар мажмуини англатади. Маълумотларнинг махфийлиги ва хавфсизлиги ҳар бир ташкилот ҳимоя қиладиган асосий хавфсизлик чоралари ҳисобланади. Биз ҳар қандай маълумот кибер ёки онлайн шаклда сақланган дунёда яшаймиз. Ижтимоий тармоқлар бизни оиламиз ва дўстларимиз билан хавфсиз мулоқот қила оладиган сайтлар билан таъминлайди. Мазкур ҳолатда кибер жиноятчилар ижтимоий тармоқлар орқали одамларнинг шахсий маълумотларини ўғирлаш ва фойдаланишда давом этадилар. Нафақат ижтимоий тармоқлар, балки банк келишувларида ҳам барча хавфсизлик чораларини кўриш лозим.

Халқаро Forbes компанияси маълумотига кўра, глобал киберхавфсизлик бозори 2020 йил охирига келиб 170 млрд. АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Cloud computing, мобил тўловлар, электрон савдо-сотик ва интернет банк каби энг сўнгги технологиялар ҳам юқори даражадаги хавфсизлиқни талаб этади. Бу технологиялар фойдаланувчисига тегишли маълумотларни хавфсиз сақлаш жуда муҳим. Киберхавфсизлиқни ривожлантириш ва муҳим маълумот инфратузилмаларини сақлаш ҳар бир миллатнинг хавфсизлиги ва иқтисодий аҳволи учун зарур.

Интернетни хавфсизлаштириш – фойдаланувчиларини ҳимоя қилиш ҳукумат сиёсати каби янги хизматлар ривожланишининг ажралмас қисмидир. Кибер жиноятга қарши

кураш тушунарли ва хавфсиз ёндашуви талаб қилади. Технологияларнинг ўзи ҳеч қандай жиноят олдини ололмагани учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноятларни фош этиш ва уларга қарши курашиш имконини бериш даркор. Ҳозирда қатор давлатлар муҳим маълумотлар йўқолишининг олдини олиш учун киберхавфсизликка оид қатъий қоидалар жорий қилмоқда. Ҳар бир инсон ўзининг киберхавфсизлиги ва кўпайиб бораётган кибержиноятдан сақланишга тайёр бўлиши зарур.

Дунёда кибержиноятчилик тобора хавфли тус олиб бормоқда. Киберхавфсизлик соҳасидаги экспертлар фикрича, бугунги кунда 200 мингдан ортиқ кибержиноятчилик содир этилмоқда. “Касперский лабораторияси” маълумотига кўра, ҳар куни халқаро интернет тармоғида 2006 йилда 1,4 мингта зарарланган дастурий вируслар тарқатилган бўлса, ҳозирда ушбу кўрсаткич 310 мингдан ортган. Бу, ўз навбатида, халқаро интернет тармоғидаги киберхужумлар диапазони ўтган вақт давомида камида 200 марта ошганидан далолат.

Мазкур жиноятлар оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд. АҚШ долларга яқин мулкый зарар келтирилган. Биргина мисол, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Дмитрий Медведев “Очиқ инновациялар-2018” форумининг очилишида сўзга чиқиб, кибержиноятчилик муаммоси билан боғлиқ жуда катта рақамни тилга олган. Яъни жиноятчиларнинг онлайн-макондаги фаолияти туфайли Россия Федерацияси иқтисодиёти кўраётган зарар 600 миллиард рублни ташкил этган, дунё бўйича эса бу рақам бир триллион АҚШ долларидан ҳам кўп экан. Ушбу суммани ҳукумат раиси “фантастик даражада” деб атаган. Бу, ҳақиқатан, жиддий молиявий йўқотиш ҳисобланади.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб шунини айтиш зарури, биргина 2016 йилда Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотда 2019 йилга келиб компьютер жиноятчилигидан етказиладиган зарар 2,1 трлн. АҚШ доллардан ошиб кетиши мумкинлиги, ҳар ойда содир этилаётган жиноятлар 10-15 фоизга ортиб бораётгани халқаро миқёсда ушбу жиноятларга қарши курашиш нечоғлиқ долзарб эканлигидан далолат беради.

### Кибержиноят нима?

Кибержиноят компьютерни ўғрилик ва жиноятда асосий қурол қилиб олган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатдир. АҚШ Адлия вазири унинг таърифини кенгайтириб шундай атайди: “Кибержиноят далил тўплаш учун компьютерни қўллайдиган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатдир”. Кибержиноятларнинг кенг кўлами компьютер орқали янаям кенгайди.

Масалан, тармоқга бостириб кириш, компьютер вирусларини тарқатиш ва мавжуд жиноятларнинг компьютерга асосланган вариантлари: – шахсий маълумотларни ўғирлаш, зуравонлик ва терроризм ҳозирги кун-

да инсонлар ва давлатлар учун катта муаммога айланади. Кўпчиликнинг фикрига кўра, кибержиноят компьютер ва интернетни қўллаган ҳолда шахсий маълумотларни ўғирлаш, контрабанда сотиш ва нотўғри кодлар билан операцияларни бузишдир. Кундан-кунга технология инсон ҳаётида муҳим рол ўйнаётгани каби кибержиноят ҳам технологик ривожланишлар билан ўсиб бораверади. Report Defense Cyberthreat статистик маълумотларига кўра, сўнгги беш йил ичида дунё бўйлаб киберхужум ва кибертаҳдидларнинг тахминий ўсиб бориши фоиз ҳисобида йилдан йилга ўсиб бораётгани аниқланган. Бундан келиб чиқиб, жиноят кўпаяётгани каби хавфсизлик масалалари ҳам ривожланиб бораётганини кўришимиз мумкин.

АҚШ Технологиялар ва соғлиқни сақлаш вакиллари томонидан олиб борилган сўроғига кўра, Silicon Valley Bank шуни аниқладики, компаниялар киберхужумларни ўзларининг маълумотлари ва бизнеси ривожига жиддий таҳдид деб ҳисоблайди. Масалан, 98 фоиз компаниялар киберхавфсизлик ресурсларини ривожлантириб бормоқдалар ва уларнинг ярми ушбу йилдан онлайн ҳужумларга қарши ресурсларни қайта янгилamoқда. Кўпгина компаниялар эса кибержиноятлар содир бўладиган пайтга тайёрланмоқда. Уларнинг атиги 3/1 қисми маълумотлари хавфсизлигига ишончи комил ва ўзларининг ҳамкорларининг хавфсизликлари ҳақида ишончи комил эмаслигини таъкидлади.

Android амалий тизимларида ҳам киберхужумларни кузатишимиз мумкин, афсуски, жуда кенг кўламда. Стол компьютерлари, смартфонлар билан бир хил операцион тизимга эга ва бу платформаларни бузиш учун бир хил қуролдан фойдаланилади. Мас компьютерлар учун талаб сони ўсишда давом этмоқда, лекин шахсий компьютердан камроқ кўламда. Windows дастурлари фойдаланувчиларига виртуал дастурларни Windows ишлатаётган ҳар қандай дастурда ривожлантириш имкониятини беради ва шунинг учун Android ва бошқа дастурлар учун зарарли дастурлар ишлаб чиқарилиши давом этмоқда ва қуйидаги киберхавфсизликда куталаётган трендларни юзга келтирмоқда.

### Веб-серверлар

Веб дастурларда маълумотларни ажратиб олиш ва нотўғри кодларни киритиш орқали қилинаётган ҳужумларни кўришимиз мумкин. Кибержиноятчилар ўзлари ривожлантираётган веб серверлар орқали нотўғри кодни тарқатадилар. Лекин кўпчилик эътибор қаратадиган маълумот ўғирлашга оид ҳужумлар ҳам катта таҳдиддир. Ҳозир биз веб серверлар ва веб дастурларни ҳимоя қилишга эътибор қаратишимиз керак. Веб-серверлар кибержиноятчиларга маълумотларни ўғирлаш учун энг қўлай платформадир.

Шу боис ҳар бир инсон жиноятга ўлжа бўлиб қолмаслик учун муҳим келишувлар вақтида хавфсиз браузерлардан фойдаланишлари керак.

### Cloud Computing

Ҳозирги кунда ҳар бир кичик, ўртача ва катта компаниялар cloud (булутли) хизматларига аста-секин ўтмоқдалар. Бошқа сўз билан айтганда, дунё аста-секин cloudларга



Дунёда кибержиноятчилик тобора хавфли тус олиб бормоқда. Киберхавфсизлик соҳасидаги экспертлар фикрича, бугунги кунда 200 мингдан ортиқ кибержиноятчилик содир этилмоқда. “Касперский лабораторияси” маълумотига кўра, ҳар куни халқаро интернет тармоғида 2006 йилда 1,4 мингта зарарланган дастурий вируслар тарқатилган бўлса, ҳозирда ушбу кўрсаткич 310 мингдан ортган. Бу, ўз навбатида, халқаро интернет тармоғидаги киберхужумлар диапазони ўтган вақт давомида камида 200 марта ошганидан далолат.





# ХАВФИ

## каби ҳаётда ҳам риюя қилишимиз зарур



қараб силжимоқда. Трафик аввалги инспекция атрофида бўлгани каби, янги тренд киберхавфсизлик учун катта қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Кўшимчасига cloud учун дастурлар сони ўсгани каби қимматли маълумотларни йўқотмаслик учун веб сервислар ва веб дастурлар ҳам ривожланиши зарур. Cloud хизматлар ўзларини янги моделларини ривожлантираётганига қарамай, уларнинг хавфсизлигида талай муаммолар юзага келмоқда. Cloud кўп имкониятлар яратиши мумкин лекин шуни айтиш керакки cloud ривожлангани сари унинг хавфсизлик муаммолари ҳам кўпаяди.

### Доимий таҳдидлар (ТДТ) ва уюштирилган хужумлар

ТДТ кибержиноятнинг мутлақо янги усули. Йиллар давомида тармоқ хавфсизлик дастурлари яъни веб филтрлаш ёки IPS (Intrusion Prevention System) бундай уюштирилган жиноятларнинг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Хужум қилувчилар сони жадал суръатда ўсиши ва янги техникаларни ҳисобга олган ҳолда тармоқ хавфсизлиги хужумларини олдини олиш мақсадида бошқа хавфсизлик хизматлари билан бирлашиш керак.

### Мобил тармоқлар

Ҳозирда биз дунёнинг бошқа томонидаги одам билан бемалол боғлана оламиз. Лекин шундай ҳолатлар учун мобил тармоқ хавфсизлиги катта муаммо. Ҳозирда хавфсизлик масаласида катта муаммолар юзага келмоқда. Чунки стол компьютер, мобил телефон ва шахсий компьютерлар ўзларида бор дастурлардан ташқари қўшимча маълумотларни ҳам талаб қилади. Биз доимо мобил тармоқларнинг хавфсизлиги ҳақида ўйлашимиз зарур. Мобил тармоқлар кибержиноятга чидамсизлиги сабабли хавфсизлик муаммолари юзага келганда жиддий чоралар кўрилиши керак.

### IPv6: янги интернет протоколи

Ҳозирда IPv6 протоколлари интернет ва мобил тармоқларнинг асоси бўлмиш IPv4нинг ўрнини эгалламоқда. IPv6ни ҳимоялаш IPv4ни ҳимоялашдек қийин эмас. IPv6 кўпроқ IP манзилларига эга бўлишига қарамай хавфсизлик сиёсатидан кўриб чиқилиши керак бўлган бир нечта муаммолар бор. Шунинг учун илҳож борича тезроқ кибержиноятга оид рискларни камайтириш учун IPv6га ўзгартириш зарур.

### Кодни шифрлаш

Кодлаш бу ахборотни хаккерлар ёки бошқалар оча олмайдиган белгилар билан кулфлашдир. Кодлаш схемасида хабар ёки маълумот кодлаш алгоритми ёрдамида кодланади ва очилмайдиган файл ҳолатига келтирилади. Кодлаш одатда қандай кодлашни кўрсатувчи белгилар орқали кодланади. Кодлаш биринчи навбатда маълумотлар хавфсизлигини ва уларнинг бирлигини ҳимоя қилади. Лекин кодлашни кўп ишлатилиши киберхавфсизликда бир қатор муаммолар келтириб чиқаради. Кодлаш транзитдаги маълумотни ҳимоялаш учун ҳам қўлланади. Масалан, тармоқлар орқали узатилаётган маълумот.

Шундай қилиб кодлаш фақат битта одам биладиган ва маълумотлари камиймайдиган система. Демак, юқорида дунёда киберхавфсизликнинг юзини ўзгартирувчи баъзи трендларни кўриб ўтдик.

### Ахборот воситаларининг ўрни қандай?

Биз аста-секин жамиятга кириб бораётганимиз учун компаниялар шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш учун янги йўللار топишлари зарур. Ахборот воситалари киберхавфсизликда муҳим рол ўйнайди ва кўплаб шахсий киберхужумларни тақдим этади. Ахборот воситалари инсонлар орасида тарқалиши жадал бўлмоқда ва хужум хавфини оширмоқда. Ижтимоий ахборот

воситалари ва ижтимоий тармоқлар деярли ҳар бир инсон томонидан фойдаланилаётгани учун кибержиноятчиларга шахсий ва махфий маълумотларни ўғирлашга катта платформа бўлиб хизмат қилади. Биз шахсий маълумотларимизни тез унутиб қолдирадиган дунёда компаниялар таҳдидларни аниқлашда, ҳақиқий вақтда жавоб беришда ва киберхужумларни қайтаришда тезкорликларини исботлашлари керак. Одамлар ижтимоий тармоқларга тез берилиб кетгани учун ҳақерлар уларни ўзлари талаб қилган маълумотни олишда воситачи сифатида қўлайдилар. Шунинг учун инсонлар керакли маълумотни йўқотмасликлари учун ижтимоий тармоқларда тегишли чораларни куришлари зарур. Ижтимоий тармоқлар бизнесга кўрсатадиган катта ёрдами инсонларда маълумотни миллионлаб одамларга улашиш имконияти бўлади.

Ижтимоий тармоқлар кибержиноятда компанияларга қарши ишлатилиши мумкинлигига қарамай компанияни машҳурлигида муҳим рол ўйнагани учун компаниялар ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тўхтата олмайдилар. Аксинча ҳақиқий зарар еткунча уларни огоҳлантирадиган ечимларга эга бўлишлари керак бўлади. Компаниялар бунини тушунишлари керак ва ижтимоий мулоқотларда рисклардан нарироқ бўлиш учун етарли даражада ечим ва техникалари бўлиши керак. Ҳар бир инсон маълум қоидалар ва тўғри технологияларни қўллаган ҳолда ижтимоий тармоқларни назорат қилиши керак.

### Антивирус дастури

Антивирус компьютерни интернет дастурлари масалан, вируслардан сақловчи, олдини олувчи, кучсизлантирувчи ёки йўқ қилувчи компьютер дастури. Кўплаб антивирус дастурлари янги вирусларни, профилларни юклаб олиб улар пайдо бўлган пайтдан бошлаб текширувчи авто-янгилашиш хусусиятига эга бўлади. Антивирус дастури ҳар

бир система учун зарур.

Юқоридаги маълумотлар орқали бишимиз мумкинки, ҳозирги кунда киберхужумлар туфайли шахслар мулки талон-тарож қилинмоқда ва бу билан боғлиқ жиноятлар шакл ва турларининг кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, интернетдан фойдаланиш этикаси ҳамда кибермақонда хавфсиз ишлашнинг кунлик қоидаларига амал қилишга чақиради. Киберэтика ҳеч нарса эмас, лекин интернетнинг ҳимояланган кодидир. Биз бу киберэтикаларни ўргансак бизда интернетни хавфсиз ва тўғри йўлда қўллаш имкони пайдо бўлади.

### Киберхавфсизлик қоидалари

Интернетдан қандай фойдаланиш лозим, деган саволга жавоб топсак.

Аввало, интернетни бошқалар билан мулоқот қилиш ёки фикр алмашиш учун ишлатинг. Email ва тезкор хабарлашиш, дўстлар ва оила аъзолари билан алоқада бўлиш, касбдошлар билан мулоқотда бўлиш ва шахардаги ёки дунёдаги одамлар билан фикр алмашишнинг энг яхши йўли. Яна билиш керак бўлган муҳим қоида интернетда зўравонлик қилманг. Одамларга лақаб қўйманг, улар ҳақида ёлгон гапирманг, уларнинг шахсий расмларини рухсатсиз тарқатманг. Кўпинча одамлар интернетга ўзининг шахсий маълумотларини жойлаб баъзилар томонидан тазйиққа учрайдилар. Шунинг учун ҳаётингиз билан боғлиқ ҳодисаларни сабабсиз кибермақонда жойламанг, шахсий маълумотларингизни (расм, видео, аудио ва б.қ.) ўзингиз асранг. Оламда бўлаётган ҳодисалар, манбалар ва ахборотларни ўзингизча талқин қилган ҳолда ўзгаришига ўринманг. Билмай, исботини сўрамай "фейк" маълумотларни тарқатманг.

Интернет ҳар қандай соҳада маълумот топишингиз мумкин бўлган дунёнинг энг катта кутубхонасидир, шунинг учун ундан тўғри, хавфсиз ва албатта қонуний йўлда фойдаланинг. Бошқаларнинг аккаунтига уларни паролларидан фойдаланиб кирманг. Агар шундай ҳолатга мажбур бўлсангиз, унда албатта аккаунт эгасини огоҳлантиринг. Шахсий маълумотларингизни ҳеч ким билан улашманг. Акс ҳолда уларда маълумотингизни нотўғри қўллашга имконият пайдо бўлади ва бу ҳар хил низоларга олиб келиши мумкин. Сохта аккаунтлар билан бошқаларни алдашга уринманг, агар аккаунт эгасида муаммо бўлса сизда ҳам шундай муаммо пайдо бўлиши мумкин. Доимо кўчирилган маълумотдан фойдаланинг (яъни керакли маълумотларни ўзингизни қурилангизга юклаб олиш зарур) ва фақатгина рухсат берилган ўйин ва видеоларни юклаб олинг.

Юқорида ҳар бир инсон интернетдан фойдаланганда амал қилиши керак бўлган этика қоидалари келтириб ўтилди. Биз кибермақонда қоидаларга риюя қилганимиз каби ҳаётда ҳам риюя қилишимиз зарур.

**С.ЮСУПОВ,**  
“Киберхавфсизлик маркази” ДУК  
хузуридаги Эксперт гуруҳ аъзоси,  
мустақил изланувчи



**➔ СИФАТ ВА КЎРСАТКИЧ  
КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИ  
РАҚАМЛАШМОҚДА**



Ҳозирги кунда республикамиз бўйлаб китобхонлик маданиятини ошириш ва ёшларни китоб мутоласига жалб этишда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш энг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб келмоқда.

Электрон тизим ривожлангани сари унинг ресурсларига ҳам талаб ортиб борапти. Аънавий китобхонлик билан бирга электрон китоблар мутолааси ҳам жадал ривожланиб, ахборот-кутубхона марказлари электрон ресурсларни яратиш, жамлаш ва уларни тарғиб қилишда асосий масканга айланяпти. Тошкент шаҳри-



даги Bilim ахборот-кутубхона марказида "Ахборот-кутубхона фондларини рақамлаштириш ва қайта ишлов бериш методлари" мавзусида бўлиб ўтган назарий ва амалий машгулот ҳам АКМлар фондиди сифатли рақамлаштириш ҳамда электрон ресурслар базасини кенгайтиришга қаратилди. Унда туман ахборот-кутубхона марказларининг ахборот-

коммуникация технологияларини рақамлаштириш хизмати мутахассислари иштирок этишди.

Машгулотда АКТ ва рақамлаштириш хизмати мутахассиси М.Мавлонова компьютер техникалари, принтер ва сканердан фойдаланиш қондалари бўйича дарс ўтиб, ахборот-кутубхона фондларини тўғри рақамлаштириш юзасидан тавсиялар берди.

*Қадрли юртдошлар!  
Сизларни 8 декабр — Конституция  
куни билан табриклаймиз.*

**“О‘ЗИМРЕКСАЛОҚА” МЧЖ  
жамоаси**



**Ўзбекистон халқини  
8 декабр — асосий  
Қонунимиз қабул  
қилинган кун билан  
қутлаймиз.**



**“Ўзбектелеком” АК  
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ  
жамоаси**

**“Ўзбектелеком” АК**

**САМАРҚАНД  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Конституциямизнинг  
28 йиллиги муносабати билан  
ҳамюртларимизни  
муборакбод этади.*





ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР ХОДИМЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Истиқлолимиз кафолати бўлган  
**КОНСТИТУЦИЯМИЗ**  
қабул қилинганлигининг  
28 йиллиги билан барчани  
муборакбод этади.



**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ  
МАРКАЗИ” ДУК жамоаси**

Ҳуқуқий эркинлигимизнинг  
бош ҳимоячиси —  
**КОНСТИТУЦИЯМИЗ** қабул  
қилинганлигининг  
28 йиллиги билан барчани  
муборакбод этади.




**“Алоқалойиҳа” ДУК  
жамоаси**

Тинчликсевар юртимиз аҳолисини  
ҳамда соҳа ходимларини  
**КОНСТИТУЦИЯ КУНИ**  
билан табриклайди.



**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ  
“ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ” ФИЛИАЛИ**

*Қадрли юртдошлар!*  
*Барчангизга асосий Қонунимиз —*  
*Конституциямиз қабул қилинганлигининг*  
*28 йиллиги муборак бўлсин!*





## 10 ТҲҲХАТ

У касб-хунар билим юртини тугатиб, Тошкент "Фотон" заводида ишлар, йигит эса тўқимачилик институтида таҳсил оларди. Нафису мусаффо туйгулар синовдан ўтган – улар бир қарорга келишган, тақдирларини боғлаш умидида эдилар.

Кизнинг хаёли минг хил ўйлар қуршовида қолганди: Ипак йўлидаги қадимий шаҳар, эй гўзал Марғилон, сенга муносиб келин бўла оламанми? Ипакдек мулойим, ширинсухан, маданиятда, хунармандчиликда донг қозонган одамларнинг кўнгилларига-чи, йўл топа оламанми?... Яна ўзига дерди: рўзгор синовларига дош беролмай, ота-онанг оstonасига бош уриб келмайсанми, кизгина?! Йигит эса унинг шубҳа-гумонларини тумандай тарқатарди: марғилонликлар ҳам чирчиқликлар сингари оддий одамлар. Она шахрим тўғриси, ширинзабонларни хуш кўрадиган, ёмонларга ҳам яхшилиқни илинадиганлар шахри, десам сиз бунга ишонаверинг. Тўйимиздан сўнг, дунёда тенгсиз, гўзал Марғилон, мен келдим, мени ҳам ўз фарзандингдек бағринга ол, дейсиз, вассалом! Шундай ёқимли суҳбатлардан яйраб-яйраб кулишарди. Илоҳим, шундай бўлсин-да. Яхши ният – ярим давлат.

...Чиндан ҳам Марғилон уларни қучоқ очиб кутиб олди. Тоҳиржон тўқимачилик комбинатида ишга кирди. Лекин ростки, шахри азимда туб қўйиб, томир отиш осон бўлмади келин учун. Тугилган замини тафти уни чорлайверди-чорлайверди. Янги оила, бошқачароқ урф-одатлар, серфарзанд хонадондаги ўзгача тутимлар... Уларни ўрганиб, "ҳазм" қилиб олгунча келинчак сира илгари кўрилмаган мушкулотлар домида юрди. Бироқ қон-қонига сингиб кетган оилаларварлик хислатлари, қизалоқларига меҳру муҳаббати ва келин қизлик бурчи ҳаммасидан ҳам қудратли чиқди. Кўникиди. Марғилонлик ота-онасининг табиатини, суйган таомларини, севган каломларига гача билиб олди ва кўп кўтирмади – уларнинг дуоларига мушарраф бўлди.

Айниқса, 1989 йилда ишга киргач, ҳаёти тоглигина, сокингина ўзганга тушиди. Улкан муаммо бўлиб туюлган масалалар, арзимас ва майда эканлиги аён бўлди-қолди. Меҳнатнинг, пешона терининг ҳикматларидан бири ҳам шу бўлса керак. Шу боисданми, ишга кирган куннинг бутун тафсилотлари хотирасида қайта-қайта жонланаверади.

– Иш излаб юриб, алоқа идорасига бориб қолибман. Бошлик мени эски танишлардек кутиб олди. Келинг, қизим, ўтиринг, деди, – ҳўқоқа қиладиларди Муқаддасхон. Дарҳол аввал ишлаган жойимни суриштирди. "Э-ҳа. "Фотон"дами, электротехника заводида. Жуда соз. Соҳамизга тўғри келаркансиз", дея бир аёлни қақиртирди.

Ажаб, эшикдан кирар-кирмас аёл менга кўзи тушгач, таъби тирриқ бўлди. Лекин бошлик унинг кайфиятига парво қилмай, эртадан шу қизга иш ўргата бошлайсиз, деди.

Аёлнинг ошқора жаҳли чиқди. "Ўзбек экан. Бўлмайди! Мана бу А, мана бу Б деб ўргатиб ўтиришга тоби-



## МАРҒИЛОННИНГ ЧИРЧИҚЛИК КЕЛИНИ

тоқатим йўқ", – деди рус тилида.

Мен эса жунбушга келган қаҳримни базўр босдим. "Нима, ўзбек одам эмасми? Тушунмадим. Гапингизни бир қайтаринг-чи?" – дедим шартта русчалаб.

Аёлнинг ранги бир бўзариб, бир қизарди. "Ия, рус тилини биласизми? У ҳолда..."

Мен энгил нафас олдим. Бошлик эса аёлга қатъий оҳангда деди. "Опа, гапинг индаллоси шуки, эртадан шу қизга устозлик қиласиз. Гап тамом. Бўпти, боринг кроссга. Ишда давом этинг..."

Муқаддасхон ўзини ишга қабул қилган ажойиб инсон – раҳматли Фаёз ака Асқаровни чуқур ҳурмат билан эсга олди. Ҳаққига дуолар айлади.

– Салкам 32 йилдан буён кроссда ишлайман. Шу йиллар мобайнида кўп раҳбарлар билан ишладим. Ҳаммалари ҳақида фақат ва фақат яхши фикрлар айта оламан, – давом этади у. – Ҳаммаларидан миннатдорман. Икки йилдан буён жамоамизни бошқараётган Зокиржон Тўйчиевдан ҳам хурсандман. Меҳнатни қадрлайди. Унинг гайрат-шижоатига қараб ҳавасим келади. Ёш, билимдон ва меҳрибон. Ҳар биримизнинг қувончу ташвишларимиздан бохабарлигини, раҳбарлик салоҳиятини айтинг. Қисқа муддатда филиал мадади, эътибори билан кўп хайрли ишларни уддалашга улгурди. Барака топсин. Ижтимоий соҳа объектларига оптик толали алоқа кабеллари тортилиб, GPON технологияси жорий этилаётгани туфайли алоқа сифати кескин ошиб, бизларнинг ҳам, электромонтёрларнинг ҳам ишидаги кўп қийинчиликлар бартараф бўлиб бормоқда.

Электромеханик аёл салкам 32 йиллик меҳнат фаолиятида соҳа ривожига катта улуш қўшди, демади. Отажониси Тўғонбувининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Чирчиқ

шаҳрида укаси ардоғида истиқомат қилиши, яқинда икки ойга келиб, меҳридан баҳраманд этганидан, 85 ёшли қайнотаси Муҳаммадҷон бобо дуолари дохил бўлишдек давлатмандликдан ва жуда кўп ҳифзи-ҳимоятлардан ҳаяжонланиб сўзлайди.

Ҳа, қаҳрамонимиз – Марғилон шаҳар телекоммуникациялар боғнамаси кросс электромеханиги Муқаддасхон Авилова ана шундай фидойи инсон, дарёдил она. Севиб-севилиб, бахти бекамликда умргузаронлик қилиб келаётган Авилонларга ҳамма ҳавас қилади. Беш нафар қизлари бўрули оилаларнинг келинлари. Болалар тарбияси, келинлик юмушлари билан банд. Тўнғичлари Нилуфархон боғламада ҳисобчи. Ота-онаси шаънини ҳалол меҳнатлари билан оқлаб келмоқда. Лекин, тан олиш керак, бувижонлик мартабасида 12 неварани суюб, эркалаб, сарбағишлаб яшайдан ортик саодатмандлик бўлмаса керак. Бунинг не эканлигини Муқаддасхондан сўранг.

Ун саккизинчи ноябрни ҳар йили Муқаддасхон кўшалок байрам сифатида нишонлайди. Бу йил ҳам шундай бўлди. Шу куни "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали вакиллари мустақил давлатимиз байроғи қабул қилинган шарафли кун билан барчани муборакбод этгани боғламага келишди. Оламаро энг чиройли, муқаддас байроғимизга, инсонга иззат-ҳурмат, азалий қадирларимизга садоқат намойиши бўлган бу ташриф Муқаддасхонга аталган гўзал табриклару дил изҳорларига уланиб кетди. Қаҳрамонимизнинг муборак 55 ёшни қарши олган куни ҳам яна ҳар йилгидек байрамона руҳда ўтди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
"Xabar"нинг Фарғона  
вилоятидаги мухбири

## ФИДОЙИЛАР БОР БЎЛСИН!

"Ўзбекситон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали, унинг шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида бой иш тажрибасига эга ходимлар жуда кўп. Ана шундай тажрибали ходимлардан бири Бахтиёр ЎНГБОЕВДир. Унинг меҳнат дафтарчасида атиги биргина сўз бор: "1991 йил 16 январ. Қарши почта алоқа тармоғининг Марказий бўлими хабарчиси вазифасига ишга олинсин". Салкам ўттиз йил бўлибдики, почталон меҳр қўйган касбини ардоқлаб келмоқда.



Бахтиёр Ўнғбоев 1990 йилда Қарши шаҳридаги 19-мактабни битириш арафасида ишга келган. Бир муддат шогирдликка тушиб, иш ўрганган. Тармоқнинг ўша вақтдаги раҳбари Рустам Дилмуродов уни расман ишга қабул қилиб адашмаган экан. Йўлдош Ниёзов, Равшан Жўраев, Рустам Дилмуродов, Валентина Дудко ва бошқа почта билимдонларини ўзига устоз деб билди. Улардан фаолият юритишда зарур бўлган барча билимларни кунт билан ўрганди. 1994-1996 йилларда Тошкент алоқа коллежида почта алоқаси мутахассислиги бўйича ўқиб ҳам олди.

Қаҳрамонимиз айна дамда Қарши шаҳридаги 30га яқин корхона ва ташкилотларга, бир мактаб, учта мактабгача таълим ташкилотига, бешта кўча ва бир митти туман ҳудудига сидқидилдан хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Ҳозирда иш жараёнлари автоматлаштирилган, – дейди Бахтиёр Ўнғбоев. Бу тизим ўғирликларнинг олдини олишда, назоратни осонлаштириш, тўловларни тез ва осон амалга ошириш ва албатта ходимнинг вақтини тежашда жуда аҳамиятли. Яқин кунларгача миқоздан қабул қилинадиган коммунал тўловларини расмийлаштириш қўлда бажарилиб, тармоқнинг ҳисоб бўлимига топширилган эди. Эндиликда коммунал идорага тўловларнинг ўз вақтида етиб бориши таъминланиб, кечикишларнинг олди олинмоқда. Йигиндиларни ҳисоблаш, жамлаштириш каби ортиқча расмиятчиликларга барҳам берилиб, натижада иш суръати тезлашди, вақт тежалляпти. Соҳадаги ислохотларнинг бosh мақсади ҳам шу вазифага қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, филиал жамоаси бугунги кунда аҳоли учун янги-янги замонавий хизмат турларини ташкил этиб, меҳнат самарадорлигини кундан-кунга ошириб бормоқда. Бу каби юмушларни адо этишда Бахтиёр Ўнғбоев сингари соҳа фидойиларига чарчаманг, деб қоламиз.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё  
вилоятидаги мухбири





## В ТАШКЕНТСКОМ АЭРОПОРТУ УСТАНОВИЛИ КИОСКИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РЕГИСТРАЦИИ

В Международном аэропорту Ташкента имени Ислама Каримова установлены четыре киоска самостоятельной регистрации пассажиров (Self check-in), которые позволяют пассажирам самостоятельно пройти все этапы регистрации, выбрать место в салоне самолета и распечатать посадочный талон. Об этом сообщили в пресс-службе Uzbekistan Airports.

будет внедрена и в других международных аэропортах страны.

Пассажиры, путешествующие с багажом и зарегистрировавшиеся на свой рейс с помощью киоска, могут сдать свой багаж на обычных стойках не позднее времени окончания регистрации рейса.

Uzbekistan Airports предложила всем авиакомпаниям, выполняющим рейсы из аэропорта Ташкента, подключиться

к киоскам для упрощения процедуры регистрации.

«На данный момент из-за отмены большинства регулярных рейсов только пассажиры авиакомпании Turkish Airline имеют возможность использования услугой Self check-in. Ожидается, что с возобновлением регулярных рейсов пассажиры и других авиакомпаний смогут воспользоваться новой услугой», — отметили в компании.

## КНИГА 2020

### FINANCIAL TIMES НАЗВАЛА ЛУЧШУЮ БИЗНЕС-КНИГУ 2020 ГОДА

Газета Financial Times и консалтинговая компания McKinsey назвали лучшей бизнес-книгой 2020 года "Без фильтра: инсайдерская история Instagram" Сары Фрайер. Победительница получила премию в 30 тыс., авторы других книг, внесенных в шорт-лист, — по 10 тыс.

В своей книге журналистка Bloomberg Сара Фрайер пишет о создателях и эволюции Instagram, а также о том, как Facebook шокировал Кремниевую долину, купив стартап за \$1 млрд в 2012 году.

Рула Халаф, редактор FT и председатель жюри, сказала, что книга "Без фильтра" затрагивает два "жизненно важных" вопроса нашего времени: "Как крупные технологические компании относятся к более мелким конкурентам?" и "Как компании, которые работают с социальными сетями, меняют жизнь нового поколения?"

Кевин Снейдер, управляющий партнер McKinsey, назвал произведение "захватывающей сагой о том, как этот стартап-феномен стал частью культурного духа времени".

В обзоре "Без фильтра" от FT говорится, что книга Фрайер — это "убедительная история о зависти", позволяющая отследить пагубное влияние Instagram, который устанавливает недо-



стижимые стандарты красоты и образа жизни.

Авторы каждой из пяти других книг, внесенных в шорт-лист в этом году, получили от жюри по — 10 тыс:

- "Смерть от отчаяния и будущее капитализма" о крахе американской мечты Ангуса Дитона и Энн Кейс.

- "Никаких правил", где Рид Хастингс и Эрин Мейер описывают культуру, которая сделала Netflix одной из самых узнаваемых и влиятельных компаний на планете.

- "Переосмысление капитализма: как бизнес может спасти мир" (Ребекка Хендерсон).

- "Как корпорация Simulmatics изобрела будущее" (Джилл Лепор).

- "Мир без работы" (Дэниел Саскинд).

## GOOGLE НАЗВАЛА ЛУЧШИЕ ПРИЛОЖЕНИЯ И ИГРЫ 2020 ГОДА ДЛЯ ANDROID

Google подвела итоги 2020 года в магазине приложений Play Market и представила сервисы в номинациях "Лучшие приложения" и "Лучшие игры".

"Каким бы трудным ни был 2020 год, эти приложения и игры поднимали нам настроение и помогали расслабиться", — прокомментировали итоги года в компании.

### Лучшие приложения — 2020

- Loona — приложение от создателей MSQRD, которое позволяет лучше засыпать. "Альтернативный продукт для пользователей, которые хотят позаботиться о своём ментальном здоровье, но не готовы к медитации", — описывали проект основатели.

- Norbu — приложение для осознанного управления стрессом и эмоциями.

- Microsoft Office: Word, Excel, PowerPoint — объединённое приложение для работы с Office с мобильных устройств.

- Grid Diary — дневник для записей и планировщик с подсказками и шаблонами.

- Zoom — сервис видеоконференций.

- Calmaria — сервис с упражнениями и техникой дыхания для расслабления.

- Vita — видеоредактор с музыкальной библиотекой, эффектами, фильтрами и другими функциями.

- Reface — сервис для замены лиц в видео из Украины.

- Dolby On: Record Audio & Music — приложение для записи музыки, подкастов и других произведений.

- Instories — шаблоны "Историй" для Instagram с готовыми вариантами, библиотекой музыки, шрифтами с анимацией и так далее.

- Bazaart — приложение для редактирования фотографий и графического дизайна.

- Tayasui Sketches — приложение для рисования с импортом фотографий, редактором кистей другими функциями.

- "Всплеск" — приложение для записи музыки.

- Timecap — трекер привычек.

### Лучшие игры — 2020

- Genshin Impact — победитель в номинации "Лучшая игра".

- "Мой говорящий Том: друзья" — лучшая игра по версии пользователей.

- Brawlhalla — игра от Ubisoft победитель в категории "Лучшие соревновательные игры".

- Cookies Must Die — лучшая инди-игра 2020 года от Rebel Twins.

- "Disney: Холодные приключения" — победитель в категории "Лучшие казуальные игры".

- Fancade — аркада, победитель в номинации "Лучшая инновационная игра".

## iOS 2020

### APPLE: ЛУЧШИЕ ПРИЛОЖЕНИЯ И ИГРЫ 2020 ГОДА ДЛЯ IOS

Apple опубликовала рейтинг самых популярных приложений в 2020 году.

Приложением года стал Zoom, игрой года признана Among Us. Полный список номинаций:

- приложение для iPhone года: Wakeout

- приложение для iPad года: Zoom

- приложение для Mac года: Fantastical

- приложение для Apple Watch года: Endel

- приложение для Apple TV года: Disney Plus

- игра для iPhone года: Genshin Impact

- игра для iPad года: Legends of Runeterra

- игра для Mac года: Disco Elysium

- игра для Apple TV года: Dandara: Trials of Fear

- аркадная игра года: Sneaky Sasquatch

Многие из этих игр и сервисов были вынуждены адаптироваться к текущему состоянию мира, добавляя новые функции или возможности, разработанные на основе социального дистанцирования.

В этом году Apple впервые будет награждать авторов лучших приложений и игры физической наградой — дизайнеры компании создали медаль в виде иконки App Store, которая сделана из 100% переработанного алюминия.



"Xabar" muxбири мамлакатимизнинг бир гуруҳ журналист ва блогерлари қаторида Туркияда хизмат сафарига бўлиб, Туркия маданият ва туризм вазирлиги томонидан ташкил этилган "Пандемия шароитида туризм" лойиҳасида иштирок этди.

#### Биринчи кун

Туркия – Осиё билан Европани боғловчи мамлакат. Туризмни ривожлантириш учун қандай имконият бўлса, ундан оқилона фойдаланилади. Мисол учун, бутун дунёга хавф солиб турган пандемия шароитида ҳам юқорида номи тилга олинган лойиҳа амалга ошира бошланди.

Ўрганадиган жиҳатлар кўп. Ҳатто чартер рейс билан бир муддат мамлакатда бўладиганлар ҳам шаҳар бўйлаб саёҳатларга таклиф этилади.

Истанбулда йирик иккита аэропорт бор. Бу ердан дунёнинг барча нуқталарига парвозлар амалга оширилади. Ҳозирги шароитда шахсий гигиена масаласи ва касаллик юқтирмаклик учун барча шароитлар яратилган. Энг муҳим жиҳат – тарихий объектлар қандай яратилган бўлса, шундай сақлашга эътибор кучли. Масалан, Усмонийлар халифалигининг сўнгги султонлари яшаган ва фаолият олиб борган "Боғчасарой" ўзининг салобати, архитектураси билан машҳур.

Саройдаги барча жиҳозлар, осори-атиқалар асл ҳолича сақланган. Тақсим майдони, ер қаърида жойлашган метро, тор кўчаларда ҳаракатланаётган

# ОСИЁ БИЛАН ЕВРОПАНИ БОҒЛОВЧИ МАМЛАКАТГА САЁҲАТ!



дастлабки трамвай, умуман олганда, барчасида сайёҳатчилар ва мамлакат аҳолиси учун қулайлик яратиш биринчи ўринда туради.

Энг қизиғи, 16 миллионлик аҳоли истиқомат қиладиган Истанбулда 3 мингта масжид, 40та олий ўқув юрти бор. Мамлакатдаги энг биринчи театр ҳам шу қадимий шаҳарда очилган.

Босфор бўғози, Қора денгизда ҳаракатланаётган сув транспортлари кишини ҳайратга солади.

"Сув тараққатиётга элтув-

чи олтин йўл". Мана шу олтин қоида Туркиянинг туризм йўналишида энг етакчи мамлакатлардан бири эканлигини исботлайди.

#### Иккинчи кун

Сафарнинг иккинчи кунини Истанбулнинг Эски шаҳар қисмида туризм йўналишида қилинган ишлар билан танишилди. 16 миллионлик аҳолига эга ва сайёҳлар энг кўп ташриф буюрувчи Истанбул кўчалари жуда кенг бўлмаса-да, транспорт воситалари тартиб билан ҳаракатланади.

Эски шаҳар қисмида энг катта иккита – Султон Аҳмад ва Аё София жоме масжидлари жойлашган. Шу атрофда ҳаммом, бозор, сарой, отчопар майдон – Ипподром ўрин олган бўлиб, улар бир комплексни ташкил қилади.

Ипподромда султонлар томонидан чавондозларнинг мусобақалари ўтказиб келинган. Айтишларича, бу томошаларни кўриш учун юз минг томошабинга мўлжалланган майдон ташкил қилинган. Майдон атрофида дастлабки сув иншооти, яъни "водопровод"ни немис мутахассислари қуриб беришган.

Пандемия шароитига қарамасдан, бу ерга ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сони кўп. Сайёҳлар, албатта, масофа сақлаши, ниқобда бўлишлари, қўлни тез-тез

антисептик суюқлик билан ювиш ҳақида белгилар ҳар бир объектда кўринарли қилиб жойлаштирилган. Тана ҳарорати албатта ўлчанади. Султон Аҳмад жоме масжидида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Албатта, бу ишлар ибодатга келувчилар ва зиёратчиларга ҳалақит берилмаган ҳолатда қилинапти.

Бозорлар ҳаммаша одамларни ўзига чорлаб туради. Истанбулнинг эски шаҳар қисмида иккита йирик – Гранд ва зираворлар бозори бор. Сотувчиларнинг қулиб тавозе билан "Nos geldiniz!" деб чорлаб туриши, махсус идишда чой улашиб юрганларни кўриб беихтиёр каймом, бозор, сарой, отчопар майдон – Ипподром ўрин олган бўлиб, улар бир комплексни ташкил қилади.

Турк қардошларимизнинг эски шаҳар билан янги шаҳарни боғловчи кўприк устида қармоқ ташлаб балиқ овлаши, "бардак" деб номланган чой идишда чой ичиб гурунлашиб ўтириши одатга айланган. Босфор бўғози узра ҳаракатланаётган кемаю қайиқлар, чағалайларнинг парвози ажиб манзарани акс этади.

#### Учинчи кун.

Истанбулдан Анталияга ОАВ вакиллари мазкур ша-

ҳарларга бежизга таклиф қилинмади. Сабаби аён: Истанбул ва Анталияда туризм индустрияси ўта ривожланган. Туркия маданият ва туризм вазирлиги ташаббуси билан амалга оширилаётган "Пандемия шароитида туризм" лойиҳаси айнан мазкур шаҳарларда тўлиқ амалиётга татбиқ этилган. Лойиҳага кўра, мамлакатда пандемия шароитида туризм соҳасини яна хавфсиз ҳолатга қайтариш учун шу соҳадаги давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари назорати остида пандемия тарқалишининг олдини олиш ва туристик фаолиятни хавфсиз равишда амалга ошириш мақсадида Пандемия, соғлиқни сақлаш ва гигиена қўмитаси ташкил этилди. Ҳаво, ер усти ва денгиз орқали қатновлар, шунингдек, сайёҳлик объектлари, ичимликлар ва озиқ-овқат sanoati бўйича комплекс йўл хариталари ишлаб чиқилди.

Мамлакатда энг машҳур тарихий қадамжолар, диққатга сазовор гўшаларнинг ҳар бирида коронавирус пандемиясидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Туркия маданият ва туризм вазирлиги 2020 йилнинг ёз мавсумидан амалга киритилган "Соғлом туризм сертификати" дастурини ишлаб чиққан бўлиб, у тўртта йўналишни ўз ичига олади: "Йўловчилар саломатлиги ва хавфсизлиги", "Ходимлар саломатлиги ва хавфсизлиги", "Объектлардаги эҳтиёткорлик чоралари", "Транспорт соҳасидаги эҳтиёткорлик чоралари", "Босфор бўғозида "Транспорт соҳасидаги эҳтиёткорлик чоралари" — ҳаво, ер усти ва денгиз транспортларида қўлланиладиган қоида ва тадбирлар комплексини тўлиқ амал қилади.


#### Анталия дегани фақатгина туризм эмас...

Икки ярим миллионлик аҳолига эга гўзал Анталия фақатгина сайёҳларнинг сеvimли маскани эмас. Бундан ўттиз йиллар олдин у мамлакатнинг оддийгина ҳудуди эди. Уша пайтдаги давлат раҳбари Тўрғут Узолининг қатъияти сабабли туризмга кенг йўл очилди.

Анталия бутун мамлакатга сабзавот маҳсулотлари етказиб беради, ҳатто бу ерда етишти-







рилган помидорнинг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади.

Истанбулдаги совуқ об-ҳаводан кейин Анталияга борганимизда фарқ ҳосилга кирган пўртаҳол (апелсин) дарахтларини кўриб ҳайратга тушдик. Улкада нафақат пўртаҳол, балки мандарин, зайтун, анор, банан, қулпунай, пахта етиштирилади. Боғлар ва далаларни кўриб ҳавасингиз келади, деҳқончилик маданияти ўта юқори.

Зарур инфратузилма, табиий шароит, мўътадил иқлим, йўлларнинг равлонлиги, хизмат сифатининг зўрлиги туризм ривожланишининг асосий кафолатидир. Бунинг ҳаммаси Туркияда мавжуд.

**Аспендос**

Анталиядан 35 километрлик масофада Аспендос номли тарихий шаҳар бор.

Ўша масканга боргунча йўлнинг икки тарафида пўртаҳолу мандарин, анор, зайтунзорлар, иссиқхоналарга кўзингиз тушади. Пахта етиштирилган майдонларга ишлов бериш бошланган. Атрофни қамраб олган яшилликдан куз фасли тугаб, қиш бошланаётганига ишонгингиз келмайди, аммо бу ҳақиқат.

Аспендос антик шаҳрида бағрига 20 мингдан ортиқ томошабинни сиғдира оладиган қадимий театр бор. Кўринишидан у Италиядаги Колизей — гладиаторлар жангга чиқадиган сахнани эслатади. Аммо у қон тўқадиган жой эмас. Ҳақиқий санъат объекти.

Юнон архитектори Зенон томонидан барпо этилган ушбу театр мажмуаси дастлаб карвонсарой вазифасини ўтаган. Ҳозир у Туркиянинг қадимий ёдгорликларидан бири. Мазкур бинодан йирик байрам ва концерт дастурлари ўтказишда фойдаланиб турилади.

**Перга**

Анталия ҳудудида антик маданият қолдиқларига тегишли етгита объект бор экан. Улардан бири Перга қадимий шаҳри. Ушбу антик шаҳарда ҳам театр бор. Аммо у Аспендосигдек катта эмас.

Пергада сарой, ҳаммом, бозор, жуда кўп устунлардан иборат кенг майдон, деворлар, канализация қувурлари қолдиқ-

лари сақланиб турибди ва бу қадимий иншоотлар ҳали-ҳануз сайёҳларни ҳайратга солиб келмоқда. Айтишларича, ушбу шаҳарни ҳам римлик ва юнонлар барпо этган.

Ҳамма сайёҳлик объектларида бу ерга ташриф буюрувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчиларнинг соғлигини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилган.

**Тўртинчи кун. Ўттиз йил қисқа даврми?**

Сафаримиз давомида бизга ҳамроҳлик қилган гид Хусайинбий Инжи ўттиз йил олдинги Анталия билан ҳозиргисининг орасида осмон билан ерча фарқ бор, деди. Тарих учун бу муддат оз, аммо бугун Анталия сайёҳларни ўзига оҳанрабодек тортадиган сеvimли маскан. Бунингизга Туркия туризмни ривожлантириш ва тарғиб қилиш агентлиги матбуот котиби Эркин Ягджи ҳам маълум қилди:

– Анталия мамлакатимизда сайёҳлар энг кўп келадиган шаҳарлар рўйхатида биринчи ўринда туради, – деди Эркинбий. – Истанбул, Измир шаҳарлари кейинги ўринларни эгаллайди. Биласизлар, пандемия бутун дунё иқтисодига соя ташлади. Жумладан, туризм йўналиши ҳам катта йўқотишга дуч келди. Ўтган йили мамлакатимизга 50 миллиондан ортиқ сайёҳ-

лар келган эди. Жорий йилнинг шу пайтигача эса 15 миллион киши юртимизга сайёҳ сифатида келди. Турзим индустриясини касодга учрашини кутиб ўтириш ақлсизлик бўларди. Шу сабабли "Пандемия шароитида туризм" лойиҳаси мамлакатимизда жорий этилди. Туркия маданияти ва туризм вазирлиги 2020 йилнинг ёз мавсумидан амалга киритилган "Соғлом туризм сертификати" дастурини ишлаб чиқди. Ва бу чоралар ўз натижасини кўрсата бошлади. 2023 йилда мамлакатимизга келувчи сайёҳлар сонини 75 миллионга етказишни режалаштирганмиз.

Гўзал табиати, мавжланиб турган денгиз, қулай шароитлар билан бирга тарихий обидаларнинг кўплиги саёҳат қилувчиларни Анталия томон етаклайди. Албатта, сифатли сервис бўлмаса, шароит-яхши бўлгани билан саёҳатчилар кўнглини олиш даргумон. Шунинг учун ҳам барча туроператорлар бу масаланинг нозик жиҳатларини ҳисобга олишган. Бу ерга бир келган сайёҳ яна келади, камига ўз дўстлари, оила аъзоларию ҳамкасбларини олиб келади.

**"Тарихни қандай бўлса, шундай кўрсат"**

Жумҳурият майдони Ўрта ер денгизи соҳилида жойлашган. Денгиз билан ушбу майдон

ўртасида қурилганига қарийб 300 йил бўлган уйлар бор. Уйлар қандай қурилган бўлса, шундай сақланмоқда. Уни бузиш ёки бирон жойини ўзгартиришга ҳам ҳаракат қилинмайди. "Тарихни қандай бўлса, шундай кўрсатиш" мана шу қараш Туркиянинг туризм йўналишида етакчилардан бирига айланишига сабаб бўлган. Туркияда кўплаб тарихий обидаларни кузатиб шунга ишонч ҳосил қилдик.

Яна бу ерда Анталия мавлонохонаси музейи, тарихий масжид, минора бор. Тор йўл бўйлаб пастилик томон юрсангиз портга чиқасиз. У ерда сизни юзлаб кема, қайиқлар кутиб олади. Турли шаклларда безатилган бу сув транспортларида денгиз бўйлаб саёҳат қилишингиз мумкин. Қирғоққа тинимсиз урилаётган денгиз шовқини, чағалайларнинг хониши хаёлларингизни бузиб юборади, гўёки қўна дунё сирларини сизга сўзламоқчи бўлгандек. Тоза ҳаво ва чексизлик сизни ўзига мафтун этади.

**Наҳот бунинг инсон ясаган бўлса?..**

Мустафа Камол Отатурк номидаги Анталия музейида Аспендос ҳамда Перга каби антик шаҳарларни ўрганишда топилган жуда кўплаб ҳайкаллар, рўзгор буюмлари олиб келиниб намоишга қўйилган. Ҳай-

каллар мармардан ясалган, баландлиги бир ярим метрдан бошлаб тўрт метргача. Устунлар эса ундан ҳам баланд. Уша даврларда мармарга ишлов бериш шундай ривожланган бўлса, наҳот булар инсонлар қўли билан ясалган бўлса, деган саволлар оғушида қоласиз.

Памфилия. Анталияни ўтмишда шундай номлашган. Қадимий Памфилияни бошқарган подшоҳлар, уларнинг рафиқалари, устунлар, одамларнинг турли кўринишидаги ҳолатлари тасвирланган девор ва тобутлар барчаси мармардан жудаям аниқликда, силлиқ қилиб ясалган. Музейда, шунингдек, турли даврларга оид меҳнат қуроллари, кўзалар ўрин олган. Бу ерда қадимий шаҳарларда сопол қувурлар ёрдамида ташкил этилган канализация тизими, асосан баланд жойларда бунёд этилган шаҳарларга сув қандай олиб чиқилганини кўрсатиб берувчи экспонатларни кўриш мумкин.

**Дюден шаршаралари**

Анталияда Юқори Дюден ва Қуйи Дюден шаршаралари бор. Гидимиз бизни Қуйи Дюден томон бошлади. Ўрта ер денгизи соҳилида жойлашган бу шаршара 30 метрлардан отилиб тушади. Тунда эса жудаям ажойиб манзарани ҳосил қилади. Денгиз соҳилида жойлашган бу шаршара қаердан пайдо бўлгани сирли. Айтишларича, у Дюден дарёси ирмоғидан бошланар экан. Бу дарё эса Анталиядан ўттиз километр узокликда жойлашган. Шаршара босим билан ер остидан келиб отилиб чиқади ва денгизга қўйилади. Манзара эса жудаям гўзал.

Қўлни тез-тез совунлаб ювиш, антисептик воситалардан фойдаланиш, ижтимоий масофани сақлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларда соғлиги ҳақидаги маълумотномаларнинг бўлиши мажбурийлиги, сайёҳат муддати тугагач сайёҳалардан ПЦР таҳлилларини олиш сингари талаблар саёҳатларнинг хавфсиз ўтишига кафолат бўлади. "Хавфсиз туризм" лойиҳаси Туркияда ана шу талаблар остида амалга оширилмоқда.

**Абдугани АБДУРАҲМОНОВ,  
Тошкент-Истанбул-  
Анталия-Тошкент**








**Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик-да 1 декабрдан қутилаётган ўзгаришлар бўйича маълумот берилди.**

**Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилди.**



Президент фармонига асосан, 2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан МЖТКнинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилгунга қадар ихтиёрий тўлашни рағбатлантириш тизими жорий этилди.

**Давлат тиббий суғурта жамғармаси ташкил этилди.**

Президент қарорига биноан Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида давлат тиббий суғурта тизимини йўлга қўйиш белгиланди. Ушбу тизим доирасида Давлат тиббий суғурта жамғармаси ташкил этилади.

Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

аҳолининг барча қатламларини кафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар стратегик хариди тизимини жорий этиш;

- тажриба-синов лойиҳаси доирасида Давлат бюджетидан кафолатланган пакетни молиялаштириш мақсадида ажратилган маблағларни жамлаш, бошқариш, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланшини ташкил этиш;

- тажриба-синов лойиҳасининг натижаларига кўра, давлат тиббий суғуртаси тизимини республиканинг бошқа ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

**Ўзбекистоннинг Афғонистондаги элчихонасида савдо ва иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилади.**



"Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги президент қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги элчихонаси штатлар жадвалига меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда савдо ва иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозими киритилади.

**Жисмоний тарбия ва спорт университети томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ташкилотлари ҳамда уюшмалар устидан ўқув ва илмий-услубий раҳбарлик йўлга қўйилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети республикадаги барча жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ташкилотлари ҳамда спорт федерациялари (уюшмалари) фаолияти устидан ўқув ва илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси хизмат итлари билан таъминланади.**

"Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, Давлат божхона кўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги Инспекция эҳтиёжларидан келиб чиқиб, йилига 5тадан ўсимликлар карантини соҳасидаги ўзига хос "детектор"лар – хизмат итлари ҳамда 5 нафардан кинолоғлар тайёрлаб берилишини таъминлайди.

**Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизими жорий этилади.**

Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолаш бўйича тест синовларини ўтказиш

ва сертификатлаш куйидаги мuddатларда жорий этилади:

- 2020 йил 1 декабрда она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича;

- 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича;

- 2022–2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

Маълумот учун, ҳукумат қароридан 2021/2022 ўқув йили қабулдан бошлаб тегишли умумтаълим фанини (чет тили бундан мустасно) билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги сертификатга эга бўлган абитуриентга сертификатдаги ўзлаштириш фоизига мос равишда олий таълим муассасаси бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовларида ушбу фонддан белгиланган максимал баллга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) балл бериш тартиби жорий этилиши белгиланган.

**Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган, мўлжалланаётган ва режалаштирилаётган айрим фаолият турлари бўйича жамоатчилик эшитувлари ўтказилади.**



Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган I ва II тоифаларга мансуб бўлган мўлжалланаётган ва режалаштирилаётган фаолият турлари бўйича жамоатчилик эшитувлари ўтказилади.



# АБАДИЙ ВАТАН

"Ҳақиқий ҳаётни четга чиқсанг кўрасан. Бу ерларда топадиган пулинг ҳеч нарсага арзимайди. У ерда топадиганининг 100 йилга етади...". Шу каби гапларни кўлаб инсонлардан турли талқинда эшитганмиз. Ва кимларнингдир соддалигидан унумли фойдаланувчи кимсаларнинг домига тушаётганларга раҳминг келади. Негаки, улар ширин ёлгонлар қармоғига илинишади-ю қолқонга тушган қуён сингари ўзга юртда мусофирлик аламини тотишга мажбур бўлади. Шу маънода ўзим гувоҳи бўлган ҳаётини ҳикояни қозоғга туширишга жазм қилдим. Сўхбатдошимнинг ҳар бир гапини иложи борича қолдирмай ёзишга ҳаракат қилдим, чунки бу унинг илтимоси.

"...Аслини олганда, оилалиман. Беш яшар қизим ва хотиним бор эди. Жуда боймасмизу аммо етишмайдиган нарсаларимиз жуда кўп, аста-секинлик билан пул топишни истардим. Онам акам билан қишлоқда, мен эса шаҳарда ижарага уй олиб икки йилдан буён яшаб келаётгандик. Ишсизликдан қийналганлигим, очиги, тайинли ишим бўлмаганлиги учун Россияда ишлаб келишни мўлжаллаётган эдим. Кўпгамас, атиги тўрт-беш йилга. Бир куни оғайним шу ойда четга ишлаш учун кетишини айтиди ва мени таклиф қилди. Мен ўйлаб ҳам ўтирмай розилик билдирдим, аммо бунга оилам ва онам қаршилиқ билдирди. Негадир сафаримиз тезлашиб, оила аъзоларимнинг норозилигига қарамасдан ўша ҳафтанинг ўзидаёқ жўнаб кетдим. Дўстим менга йўл буйи, ўзига тўқ оилани ҳайдовчиси бўлиб ишлайсан, яхшигина даромад топасан, жуда иноқ оила, сени жуда яхши қарши олишади, деган гапларни қулоғимга қуйиб кетди.

Самолётдан тушдик. Бизни ташқарида уч-тўрт нафар барзанги йигит ва иккита машина кутиб турганди. Дўстим билан ажралишдик. Паспортиمنى олгач, айтишича, унга бошқа топшириқ берилган экан. Тўғриси, бунга унча аҳамият қилмадим. У бошқа машинага, мен эса бошқасига ўтирдикда, манзил томон кетдик. Сафаримиз жуда олис бўлди, чамаси олти ёки етти соатлик йўл. Барзангилар худди соқчи сингари ўтиришарди, мени қочиб кетади деб



ўйлашармиди, тўғриси англаш жуда ҳам қийин эди. Манзилга етиб ҳам келдик. Уймас, нақд кошонанинг ўзгинаси, кирсанг қайтиб чиққинг келмайди. Бошланишига ҳайдовчилик қилдим. Аммо уй эгалари қандайдир сирли ишлар қилар, савол берсанг, гапиришмасди ҳам. Иш ҳақимни сўраганимда, "Тўрт йил ишласанг, ҳаммасини битта қилиб берамиз", дейишди. Уйдагилар билан олақага чиқишга дастлаб рухсат беришарди, кейинчалик телефонимни ва қолган пулларимни олиб қўйишди. Қиладиган ишим ҳам тобора оғирлашиб борарди. Энди машина ҳайдамай қўйгандим.

Қийналганимда ўз юртимда юрган кезларим эсимга тушарди. Кўчада савлат тўкиб, ҳамманинг ҳавасини келтириб юрардим. Анча озиб кетдим. Ейдиган овқатимнинг ҳам тайини йўқ. Кийимларим ҳам бир аҳвол. Эҳҳҳҳ...

Тўрт йил жуда қийинчиликда ўтди. Оғайним билан боғланишга ҳаракат қилардим, у тез-тез келиб турарди, лекин негадир мени кўрмаганликка оларди ёки танимагандек ўтиб кетарди. Уйга, оилам бағрига қайтишни истаб яна меҳнат ҳақимни ва паспортиمنى сўрадим, улар эса мени итдай калтаклашди. Хушимдан кетдим. Кўзимни очганимда қандайдир ҳилват жойда эдим. Бақиршига ҳолим йўқ. Орадан бироз вақт ўтгач нотаниш кишилар келиб нималардир дейишди, аммо уларнинг мақсадини англамасдим. Кейин сув ва нон узатишди. Яхши инсонлар қаторига қўшилдим шекилли, деб роса қувондим. Ташқарига чиқдик, қурилиш бўлаётган экан.

– Тебя оставили здесь. Те пер ты тут работаешь!

Рус тилига анча тушуниб, тилим келишиб қолганди.

– Хорошо, только дайте

мне мои деньги заранее.

Шунда бир-бирларига қараб кулишди-да, на возьми... деб ярми йиртилган пулни беришди.

– Возьми их сам! За кого меня принимаете?!

Бақириб ёки мушт туширишга ҳолим йўқ.

– Запомни, что ты сейчас здесь и здесь останешься...

Шу каби кўлаб гапларни гапиришди. Қўлимдан судраб фишлар ёйилиб ётган жойга олиб келишди-да, буйруқ беришди:

– Отнеси это кирпичи, на 6 этаж. Закончи к вечеру.

Лекин мен бу ишни бир кунда эмас, балки бир ойда ҳам тугата олмасам керак. Кеч ҳам тушди, фишларнинг учдан бир қисмини ташиб тугатгандим. Ҳамма пулини олгани тўпланди. Ҳеч бўлмаса ярим пулимни оларман деб қаторга турдим. Навбатим келганида эса мени итариб юборишди, ишинг қачон тугаса, шунда оласан деб. На илож, тақдирга тан бердим. Ҳамма ишчилар бир жойда, каталақдек хонада туришар экан. Хона жуда тор, қўланса ҳидга эса чидаб бўлмасди. Қишлоғимизда ойлаб ювинмай юрган подачидан ҳам бундай ҳид келмасди. Безхитёр болалигимни эслаб, ўзимни бахтли ҳис қилдим. Ушанда ҳам бир дўстим музқаймоқ еймиз деб авраб, кўлимдаги пулимни олиб қочиб кетганди. Эртаси куни мактабда пулимни сўраганимда менга тухмаб қилясанми, деб ҳамманинг олдида изза қилганди. Шу-шу ҳеч кимга ишонмайман деб ўзимга сўз бергандим, аммо мана, бундан баттар бўлди...

Қурилишда тахминан икки йил ишладим. Бу ерда иш ҳақимни олдим-у аммо у қиладиган ишимга мутлақо арзимасди. Кейинчалик бу ердан қочиб

пайига тушдим. Лекин қочаётганимда соқчилар тутиб олишди ва қўлларидаги михли тахта билан савалашди, кейин устимдан совуқ сувни челақлаб қуйишди. Танам қақшаб оғрирди. Ўлдим деб ўйлагандим, аммо кўзимни очсам, лой устида ётган эканман.

– Вставай! Что так и будешь воляться?

Ноиложликдан турдим. Аммо ўшанда турмасам бўлар экан. Ўзга юртда итдай ўлиб кетганим маъқулми деб ўйлаб қоламан. Мендан бошқа ишчиларни ҳам ҳеч бир сабабсиз калтаклашарди. Етти юз кишидан кўп эдик, назаримда. Бу ерда мусофирларнинг қадри йўқ эди. Уларни ер билан битта қилиб ҳақорат қилишарди.

Қолаверса, мусофирлар аҳил эмас, ҳар ким ўзи билан ўзи овера. Аммо мен бир кекса киши билан танишиб қолдим. У менга ўз ҳаётини гапириб берди. Айтишича, ўн йил олдин бу ерга келган экан. Қизини узатиш мақсадида. Қизи аллақачон турмуш қуриб, фарзандли ҳам бўлибди. Аммо у киши бу ердан кетолмаётган экан. Мен ҳам тезроқ пул топиш илинжида дўстимнинг ёлгон ваъдалари билан келганимни айтдим. Кейинчалик қочиб пайига тушдик, қочдик ҳам.

Россияга тўрт ёки беш йилдан сўнг қайтаман деб кетгандим, аммо орадан 22 йил ўтиб Ватанимга амаллаб етиб келдим. Чўнтагимда ҳеч вақойим йўқ. Қишлоққа бордим, аммо уйга кирмадим. Виждоним йўл қўймади. Билсам, мени ўлдига чиқариб бўлишган экан. Онам бу жудолликка чидай олмай 15 йил олдин 67 ёшида инфаркт бўлиб, бу дунёни тарк этибди. Хотиним эса... бошқа эрга тегибди. Қизим турмушга чиқиб, икки фарзандли бўлибди. Мени кўриб танимади, чунки жулдур кийимларда, соч-соқоли паҳмоқ

бир чол бўлиб қолгандим. Кетганимда у гўдак эди. Умрим дарбадарликда ўтди. Оилам ва онамдан ажралдим, тирик бўла туриб ўлган деган ном олдим. Бундан кўра, ҳақиқатан ҳам ўша ерларда ўлганим яхшироқ эди, зора ўша кўрган қийинчиликлардан-да ачинарли аҳволга тушмасмидим...

Очигини айганда, энди ўлимни кутиб яшаётган бир қари-яман. Ҳозир қабристонда қорувулик қиламан. Бу ерда мени ҳеч ким танимайди. Мендек нонкўрни билишмагани ҳам маъқул. Оиламни жуда соғинаман, лекин боролмайман, чунки энди у йўқ...

Қабристонга ҳар ҳафта келадиган ўзига тўқ бир инсон бор. Ҳар гал келганида мен билан сўрашмасдан кетмайди, унга бўлган хурматим чексиз. Ногаҳон кутилмаган таклиф бўлди. Айтишича, у нуфузли компания, бир қатор фирма, маиший техника дўконларининг раҳбари экан. Мени ишга таклиф қилди. Бундан қувондим. Гапини давом эттирар экан, асосан чет элдаги фирмалари учун одам керак эмиш, ўша жойлардан бирида ишлашимни истагини айтди. Ҳаяжондан ўзимни бошқара олмай қолдим. Чунки, бу ерга келадиган инсонлар менга ҳеч ҳам эътибор қаратишмайди, аммо у киши. Меҳнаткашлигим маъқул келди, билмадим... Рози бўлганлигимни ифодалаш учун жилмайдим. Аммо шу он дўстимнинг берган ваъдалари-ю чет элда яхши ишлайсан деган сафсаталари ҳаёлимни қоплаб олди. Агар бу ерни тарк этсам, шу инсоннинг таклифига кўнсам, мени яна нималар кутади, қай аҳволда, кимлар олдида бўламан? Шу каби саволлар мени қийнай бошлади. Таклифни ўйлаб кўрдингизми, деб сўраганида мен шу ерда қолишимни айтдим. Ҳафсаласи пир бўлгандек туюлди, уэр сўрадим ва ишимда давом этдим. Аслида, мен унга ишонгандек ҳам эдим, аммо ҳаёлимда бошқа, жиддий бир ҳавотир бор эди...

Биласизми, ҳар тонг қабристон тупроқларини кўзимга суртаман. Ва бир кун келиб мен ҳам шу тупроққа қўшилиб кетишни истаيمان. Асло ўзга юртлар заминига эмас. Бу ердан ҳеч қаёққа боришни истамайман, узоқлашдим деганимда, мени ўз бағрига чорлайверади.

Ҳикояни сўхбатдошимнинг ушбу ҳақиқатлари билан якунлашни жоиз деб билдим. У бу қарорга келиши учун 22 йиллик умрини бой берди. "Ўз юртининг қабристони ҳам бир Ватан аслида... Мангу ва абадий Ватан!.."

Нигора ОРИФЖОНОВА,  
Сирдарё вилояти

Россияга тўрт ёки беш йилдан сўнг қайтаман деб кетгандим, аммо орадан 22 йил ўтиб Ватанимга амаллаб етиб келдим. Чўнтагимда ҳеч вақойим йўқ. Қишлоққа бордим, аммо уйга кирмадим. Виждоним йўл қўймади. Билсам, мени ўлдига чиқариб бўлишган экан. Онам бу жудолликка чидай олмай 15 йил олдин 67 ёшида инфаркт бўлиб, бу дунёни тарк этибди.



# БАХТСИЗЛИК КЕЛТИРГАН ШОН-ШУҲРАТ

## Беш эгизак опа-сингиллар ўтмишига бир назар

1934 йилнинг 28 майида камбағал фермер оиласида туғилган беш опа-сингил Канадада ҳақиқий мўъжиза сифатида қарши олинганди. Уларнинг тарихи бешиданоқ жамоатчилик диққат марказида, оммавий ахборот воситалари учун эса доимий мавзу бўлган. Лекин на пул, на шуҳрат уларга бахт келтирмади. Дион бешлиги тарихда энг таниқли ва айна пайтда бахтсиз эгизаклар сифатида қолди.



Етти ойликда туғилган бу жажжи қизалоқлар яшаб қолишга муваффақ бўлган ilk беш эгизак сифатида барчани лол қолдирди.



Улар энг қиммат ўйинчоқлар ўйнашар, сўнгги урфда кийинишарди.

Чақалоқлар Анталия вилоятининг шимолидаги кичик бир қишлоқда жойлашган фермадаги сув ва электрсиз уйда хотини ҳамда уч фарзанди билан яшовчи – Олив Лион исмли камбағал деҳқон оиласида туғилган. Етти ойлик бўлиб дунёга келган бу эгизаклар жуда кичкина, вазнлари атиги 600 грамм эди. Шунга қарамай, бу муваффақ бўлган ilk беш эгизак сифатида барчани лол қолдирди. Дион опа-сингиллар ҳақидаги ажойиб янгилик бир неча кун ичида бутун Канада бўйлаб тарқалди.

Деҳқоннинг рафиқаси эгизакларга ҳомиладор эканлигига шубҳа қилмасди, аммо бирданига беш чақалоқнинг туғилиши қутилмаган воқеа бўлди. Уларни туғилиши билан аёлларга ўраб саватчаларда сақлашган. Онанинг сuti, табиийки, ҳаммасига етмасди. Бу ёқда камбағалчилик. Шу боис уларга ҳар икки соатда сув, маккажў-

хори сиропи, сигир сuti ва бирикми томчи ром (шарқарқамишдан тайёрланадиган спиртли ичимлик) беришарди. Табиийки, кўшниллар ҳам қараб туришмасди: кимдир иссиқ кийим-кечак, бири ёпинчиқлар, яна кимдир сuti ва егуликлар олиб кирар, шу баҳонада болаларни ҳайрат билан томоша қилишарди.

Эгизаклар 6 ойлик бўлганида, оталари уларни Чикагодаги кўрғазмада намойиш этиш ҳақида ўйлаб қолди. Бундан ҳа-

бар топган Канада ҳукумати фэйриоддий шоу ташкил этишга қарор қилди. Шу тарзда қизлар учун ўнта деразали махсус павилон қурилди. Дион опа-сингиллар 8 йил давомида ушбу кўрғазмада қатнашади ва бу вақт ичида уларни саккиз миллион томошабин кўришга муваффақ бўлади.

Опа-сингиллар шарофати билан Чикаго кўрғазмаси шаҳарнинг энг диққатга сазовор масканига айланади ва бу ерга сайёҳлар оқими мисли даражада кўпайди. Ҳар куни минглаб одамлар бир-бирига томчи сувдек ўхшаш беш эгизак томошасига келарди. Қизалоқлар ҳамширалар назорати остида болалар майдончасида ўйнашар, улар атрофидаги тўр ташқарисида сайёҳлар учун томоша майдони ташкил қилинган эди.

Қизалоқлар гўё кўрадаги ҳайвонларга ўхшарди, бу эса болалардан фойда кўришнинг энг хунук усулларида бири эди. Томошага кириш бепул бўлган. Аммо Канада ҳукумати турли сувенирлар сотишдан катта фойда кўрган – махсус дўконлардаги эсдалиқлар (эгизаклар тасвирланган ёдгорлик махсу-

лотлари) савдоси жуда чаққон бўлган.

Машҳур эгизак қизлар ҳақиқий брендга айланди – улар шарафига бешта махсус кўғирчоқ тўпламлари ишлаб чиқарилди. Одамлар уларга гўё сиғинишарди. Голливудда кизалоқлар ҳақида бир нечта филмлар ишланган. Болалар учун озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар улар расмларидан реклама сифатида муваффақиятли фойдаланарди.

Қизлар дунёдан ажралган ҳолда яшадилар. Улар қиммат ўйинчоқлар ўйнашган, энг сўнгги урфда кийинишган ва яхши шифокорлар гамхўрлиги остида бўлишган. Бироқ ота-оналари, ака-опалари ҳамда тенгдошлари билан мулоқотдан маҳрум эдилар. Улар тўққиз ёшга тўлганида, Канада ҳукумати

бутун Дион оиласини бир жойга жамлаш мақсадида катта уй қуриб берди, лекин бу муваффақиятли ташаббус бўлмади, чунки опа-сингиллар бундай ҳаётга мослашмаганди.

Шунча йиллик айрилиқдан сўнг оддий оилавий муносабатларни ўрнатиш имконсиз бўлиб қолди. Оиланинг бошқа фарзандлари узоқ бирга яшамаган эгизак сингилларини қабул қила олишмади. Ота даромадсиз қолишдан безовталанди. Тўрқасида яшашга одатланган қизлар эса янги ҳаёт тарзига кўни-қолмадилар.

Эгизаклар бу уйда 16 ёшга тўлгунга қадар яшашди, кейин улар мактаб-интернатга жўнатилди. Қизлар турли рекламаларда, асосан, косметика ва озиқ-овқат роликларида кўп суратга тушишди. Уларнинг ҳар бир туғилган куни оммавий ахборот воситалари иштирокида нишонланди.

Қизлар оддий ҳаётга кам мослашган эди. Одамлар билан мулоқот қилишда қийналган опа-сингиллар фақат бир-бирлари даврасидагина ўзларини эркин ҳис қилишарди. Ўн саккиз ёшга тўлгач, уларнинг машурлигидан фойдаланишга ва бу орқали пул ишлашга ҳаракат қилувчи оилалари билан барча алоқаларни узишди.

Эгизакларнинг иккинчиси – Эмилиа доим гамгин юрарди. У жуда ёш бўла туриб монастыр-га борди ва ўзида аниқланган тутқаноқ хасталигини ривожлантириб олди – шу дард 20 ёшида вафот этишига сабаб бўлди. Бу унинг опа-сингиллари учун ҳақиқий зарба эди. Мариа (эгизаклар учинчиси)ни эса муваффақиятсиз никоҳ 30 ёшида ҳаётдан олиб кетди.

Сисилия ва Анетта ҳам оилавий ҳаётда бахт топа олишмади. Улар бутун умр бир-бирига мисли кўрилмаган даражада талпиниб яшадилар. Телефонда соатлаб суҳбатлашар ва ўзаро ташрифлар чоғида адоғсиз қувонччи ҳис қилишарди.

Сисилия ҳам эгизак фарзандли бўлди, лекин тез орада улардан бири вафот этди. Уч йил ўтгач, у бева қолди ва роҳибаликка киришди. Лекин монастырдагилар билан тил топиша олмади. У умрининг қолган қисмини танҳоликда ўтказди.



Ўзаро бегоналашиб қолган катта оила.

Улгайиб, оқ-қорани таниган Дион опа-сингиллар (Ивона, Сисилия, Анетта) судга мурожаат қилиб, давлатдан 4 миллион доллар миқдоридан товон пули ундиришди. "Бизнинг хароб қилинган ҳаётимиз учун бу жуда оз ва жуда кеч", – дея изоҳ берди таниқли опа-сингиллар.


Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



# "ИШҚИЛИБ, СМАРТФОНИМ СИНМАГАН БЎЛСИН..."

## ТЕЛЕФОНГА ТОБЕЛИКДАН ҚУТУЛСА БЎЛАДИМИ?

**Замонавий кишининг бир кунда ўртача уч соат вақти бевосита смартфон билан ўтади. Аммо уни ҳамиша қўлда ушлаб юришга ўтдингизми – демак, ҳаётингизга ўзгартириш киритиш керак экан. Ахир, энди телефон сизники эмас, балки сиз уники бўлиб боряпсиз!**



**Б**изга ёрдам бериши керак бўлган кўпчилик технологиялар ас-лида бизнинг тўлақонли яшашимизга ҳалақат беради. Бу борада энг кўп зарар айнан смартфонлардан келади, чунки улардан кун давомда (баъзиларимиз тун бўйи ҳам) деярли ажралмаймиз. Олимларнинг аниқлашларича, смартфонлар пайдо бўлмасидан аввал, оддий телефонларга кишилар кунига ўртача 18 дақиқа вақт сарфлашган экан. "Олимлар қизиқ бир сўровнома ўтказиб кўришди, – дейди Нью-Йорк университети маркетинг профессори, руҳшунос Адам Алтер. – Унда иштирокчилар шунақа саволга жавоб беришган: Иккита вариантдан бирини танланг: масалан, йиқилиб тушганингизда смартфонингиз сингани кўрчинчи-роқми, ёки бирор суягингизми? Сўровнома қатнашган америкаликларнинг 46 фоизи смартфондан кўра ўз суяги синишини маъқул кўришган! Қолган 54 фоизи ўз соғлигини ёқлаб овоз берган эса-да, уларнинг бу қарорга келиши ҳам осон бўлмаган".

**Ёлғизликдан азият чекаётган ёки ўз турмушини яхши томонга ўзгартиришни эплай олмаётган бўлса. "Тинчланиш учун айнан нима қилаётганингиз муҳим эмас: компютер ўйини ўйнайсизми ёки наркотик қабул қиласизми..."**

жуда ўхшаш", – дейди Алтер. Биз стресслар даврида яшамокдамыз, телефонимиз эса бунда бизни тинчлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Айрим тадқиқотчилар смартфонни ҳатто катталар учун сўргичга ҳам ўхшатишади – чақалоққа сўргич бериб тинчлантириб қўйгандек, катталар ҳам жаҳлимиз чиққанида, хафа бўлганимизда ёки зерикганимизда смартфон билан ўзимизни ову-тамиз. Аммо бу тўғри ечим эмас, ахир, вақт ўтиши билан бу фақат муаммони чуқурлаштиради. Демак, телефонга тобеликдан қутулишимиз керак экан. Хўш, қандай қилиб?

**Телефонга тобелик ўргандан келиб чиқади?** Ҳарганиб қолиш, хумор ҳисси кишининг лаззатланиш туйғусига боғлиқ эмас, акс ҳолда, деярли барчамизни шоколад хумори тутиб юрган бўларди, тўғрими? Ҳарганиб қолиш, одатда, бирор рухий стрессни олиб ташлашга уринишимиздан, қандайдир муаммони ҳал этишга уринишимиздан келиб чиқади. Ҳарганиб қолиш кўпинча ҳаётда бирор муаммоси бор кишиларда ривожланади. Масалан, ёлғизликдан азият чекаётган ёки ўз турмушини яхши томонга ўзгартиришни эплай олмаётган бўлса. "Тинчланиш учун айнан нима қилаётганингиз муҳим эмас: компютер ўйини ўйнайсизми ёки наркотик қабул қиласизми... Физиология нуқтаи назаридан хулқий ва наркотик қарамлик ўзоро

**Қарамликдан қутулиш йўллари**  
1. Телефонни қўлда ушлаб юрманг. Атрофингиздаги вазиятни ўзгартиришга уриниб кўринг: сизни васвасага солаётган шу матоҳни ўзингиздан узоқроқ тутинг. Телефонни сал нарироққа қўйингки, унга узаниб, қўлингизга олишингиз осон бўлмасин. Яхшиси, уни хонанинг нариги бурчагида қолдиринг, барибир жирингласа овозини эшитасиз-ку. Смартфонни ёнингизда қўйиб туриб, унга тегинмасдан иродангизни синангиздан кўра барибир мана шу усул самаралироқ. Агар бирор сабаб билан телефонни ёнингизда қўйишга тўғри келиб қолса, ундаги кераксиз билдиришномаларни узиб қўйинг. Кўп вақтингизни олиб қўядиган иловаларни эса битта папкага жойлаб, ичкари-

роққа яшириб қўйинг. 2. Тўхташингизга ўзингиз ёрдам беринг. Бир дақиқага деб телефонни қўлга оламиз-у бирпасда бир соат ўтиб кетганини пайқамай ҳам қоламиз... Сиздаям шунақа бўлган-ку, тўғрими? Ижтимоий тармоқлардаги билдиришномаларни қараб чиққунимизча янги хатлар келади. Уларни кўриб чиққунингизча бирор танишингиз мессенжерда хабар юборади. Сўнг, чиқиш олдинда, дея яна ижтимоий тармоқларга қараб қўясиз... Шу тариқа, ёпиқ айланага тушиб қоласиз, олимлар бунини "ўйин сиртмоғи ҳолати" деб аташади. Одатда бу ҳолат ўйин автоматларида ўйнаётганимизда юзага келади, аммо компютер ва смартфонга ўралашиб қолиш ҳам ундан кўп фарқ қилмайди. Бизни сунъий хотиржамлик ҳолати ўзига тартади. Унда қолиш учун, биз қайта ва қайта бир хил ҳаракатларни такрорлайвераимиз. Четдан кимдир ёки нимадир чалғитиб, бу ҳолатдан тортиб чиқармагунча, биз ўзимизни тўхта олмаймиз. Шунақа чалғитувчи воситани олдиндан режалаштириб қўйинг.

У сизга тўхташ вақти келганини эслатиб, сунъий хотиржамлик ҳолатидан чиқариб оладиган бўлсин. Масалан, тескари санақ таймери ҳам қўл келади. Бирор илова ёки ижтимоий

тариқа, воз кечишингиз керак бўлган зарарли одатингизни аста-секинлик билан фойдалисига алмаштириб оласиз. Агар узоқроқ вақт смартфонингиз билан ёлғиз қолишингизга тўғри келса ва ёнингизда китобингиз бўлмаса, телефонингиздан ҳам тўғри фойдаланинг. Бунинг учун, масалан, унга электрон китоблар юклаб қўйиш мумкин. Инстаграм ёки бошқа бирор иловада янгиликларни кўриб чиққач, илованинг ўзини ҳам ўчириб ташланг. Шунда кейинги гал яна киргингиз келганида уни бошқатдан ўрнатишингизга тўғри келиб қўлади, бу орада бошқа нарсага чалғишингиз мумкин. Мутолаа қилишга мўлжалланган иловаларни эса бош экранга жойлаштириб қўйинг. Уни қўлга олганингизда, биринчи галда шу каби фойдали дастурларга кўз югуртиринг.



тармоққа киришдан аввал таймерни ишга туширинг. Сигнал жаранглаши билан ўша эрмакни тўхтатиб, телефонни нарироққа суриб қўйинг". 3. Зарарли одатдан қутулиш ўрнига, уни фойдалисига алмаштиринг. Диванга ўтираётганингизда, телефон сиздан узоқроқ турсин, ёнингизда эса бирор фойдали китоб бўлсин. Смартфонни қовлаштирингиз келганида китобни олиб, мутолаага киришинг. Бошланишига сал қийин бўлиши мумкин, шунинг учун сал ҳазми оsonроқ – қисқа ҳикоялар ёки турли фактлар, қизиқарли воқеалар китобларидан бошланг. Шу

**Хулоса.** Одатда ҳаётингизда қандайдир муаммо бўлса, бирор нимага қарамлик ривожланади. Демак, ҳамиша телефонингизни текшириб қўйишга ўзингизда қандайдир ички эҳтиёж сезаётган бўлсангиз, бу – биринчи навбатда ҳаётингиздаги қайсидир жиҳатларга ўзгартириш киритиш кераклигига ишорадир. Агарда тўлақонли ҳаёт билан яшаётган ва ўз яқинларингиз билан яхши муносабатларда давом этаётган бўлсангиз, бирор нимага ўрганиб қолишингиз эҳтимоли анча кам бўлади.

**Агар узоқроқ вақт смартфонингиз билан ёлғиз қолишингизга тўғри келса ва ёнингизда китобингиз бўлмаса, телефонингиздан ҳам тўғри фойдаланинг. Бунинг учун, масалан, унга электрон китоблар юклаб қўйиш мумкин. Инстаграм ёки бошқа бирор иловада янгиликларни кўриб чиққач, илованинг ўзини ҳам ўчириб ташланг.**

**Хуллас, қўлингиздаги душманингизни дўстга айлан-тириш ўз ихтиёрингизда!**  
**Адам АЛТЕР:** "Агарда смартфонга боғланиб қолиш одатингиздан қутулишни истасангиз, кўпроқ вақтингизни яқинларингиз билан мулоқотда ўтказинг. Тушунинг – улар билан сизнинг орангизда тўсиқ бўлаётган восита - айнан шу телефонингиздир! Уни фақат иш юзасидан гаплашиш, бирор яқинингиз билан мулоқот қилиш, зарур маълумотни излаш учунгина қўлга олинг".




# 18 | АЛОҚА ОЛАМИДА



## АМАЛИЙ ТИЗИМЛАР


### WINDOWS 10ДА АНДРОИД ИЛОВА ВА ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН БЎЛАДИ

Microsoft компанияси Project Latte (код номи) лойиҳаси устида иш олиб борапти. Мақсад дастурчиларга ўз андроид-ишланмаларини деярли ҳеч қандай ўзгартиришларсиз Windows 10га олиб ўтиш имконини беришдир, дейилади Windows Central хабарида. Бунинг учун андроид-илвалар MSIX форматига ўгирилиб, Microsoft Storeда жойлантирилса kifоя.



Лойиҳа 2021 йилда тақдим этилиши кутиляпти. Ҳозирча гап ARM архитектурасига қурилган процессорларда ишловчи "Windows 10"лар ҳақида кетяпти — андроид-смартфонлар ҳам шу йўсинда қурилган. Microsoft шу тариқа ўз ўйин ва иловалар кутубхонасини анча кенгайтириб олиши мумкин.

## МЕССЕНЖЕРЛАР



### TELEGRAM ЯНА БИР ФУНКЦИЯГА БОЙДИ

Оммабоп мессенжер – Telegram жамоаси аксарият фойдаланувчилар кутган янги функцияни синаб кўришга киришди. Яъни, унинг бета-версиясида гуруҳ тарзидаги овозли кўнгироқлар пайдо бўлди.

Янги функция Voice chat (Овозли чат) деб номланган бўлиб, уни оммавий гуруҳ асосида очиш мумкин. Гуруҳли аудиоқўнгироқ доирасида очиб гуруҳнинг барча иштирокчилари ёки фақат маъмурлари гаплашишлари мумкин – бу параметр овозли чатни ишга туширишда белгиланади. Лекин аноним администраторлар гуруҳли кўнгироқда қатнаша олмайдилар.

Эътибор беринг: бунда гап фақат овозли кўнгироқлар ҳақида кетяпти, видеоконференцияларга ҳали вақтли.

Айни дамда Android тизими учун ҳам, iOS платформаси учун ҳам Telegram 7.3 рақамли бета-версияда гуруҳ тарзидаги аудиочат функцияси ишламоқда. Уларнинг сўнггисини ушбу каналдан олиб ўрнатиб, синаб кўришингиз мумкин.

## ПРОЦЕССОРЛАР


### SNAPDRAGON 888 5G ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Qualcomm компанияси Snapdragon 888 5G процессорини тақдим этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Snapdragon 888 5G асосий ядролари сифатида Cortex-A78 ядролари ўрнига улардан анча кучлироқ Arm Cortex-X1 суперядроси қўлланади. Бешинчи авлод уяли алоқа тармоғида ишлаши учун жорий йилнинг февралда намойиш этилган модем – Snapdragon X60 ҳам чипсет жамланмасига киритилган.

Янги платформанинг яна бир муҳим таркибий қисми – Qualcomm AI Engine русумли олтинчи авлод сунъий онг тезлатгичидир. Унда буткул қайта ишланган Hexagon процессори қўлланган бўлиб, самарадорлиги 26 TOPS (teraOps per second – сониясига неча триллион операция бажаришини кўрсатувчи бирлик) чиқади.

Snapdragon 888 таркибига киритилган Sensing Hub модули сунъий интеллектни тезлаштириш функцияларига масъул бўлиш билан бирга қувват сарфини тежайди.



## СИЁСАТ

### ВЕНЕСУЭЛА ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚИГА: “МЕНИ ҲАМ ТЕЛЕГРАМГА ҚЎШИБ ҚЎЙИНГ”

Венесуэла президенти Николас Мадуро мамлакат фуқаролари учун Telegram ва WhatsAppдаги ўз рақамларини очиклади.

“Венесуэла ва халқимиз ҳақидаги ҳақиқат учун курашга WhatsApp ва Telegram орқали қўшилишман. Мадуро — WhatsAppда, Мадуро — Telegramда. Мана менинг рақамим — 04262168871, уни ўз гуруҳларингизга қўшиб қўйинг”, — деди давлат раҳбари Twitterдаги жонли эфир пайти.

## ФАЗО

### ХИТОЙНИНГ “ЧАНЪЭ-5” ЗОНДИ ОЙГА ҚЎНДИ


Хитойнинг “Чанъэ-5” аппарати 1 декабр куни тупроқ намуналари ва маълумотлар тўплаш учун Ойнинг белгиланган ҳудудига муваффақиятли қўнди. Бу ҳақда Хитой миллий космик бошқармаси (CNSA) хабар берди.

Таъкидланишича, зонд Ойнинг кўринадиған томонига қўндирилган.

24 ноябр куни Хитойнинг “Чанжэн-5” ракетаи ортага қайтувчи “Чанъэ-5” аппарати билан Хайнан оролидаги космодромдан учирилган.

Аппарат Ойдаги тупроқ намуналарини тўплагач, уларни олиб Ерга қайтиши керак. Миссия 23 кунга мўлжалланган.

Аппарат Ерга 2 килоча реголит олиб келиши кутилмоқда. Операция муваффақиятли чиқса, Хитой Собиқ Иттифоқ ва АҚШдан сўнг бундай миссияни амалга оширган учинчи мамлакатга айланади.




## КОМПЮТЕРЛАР

### NOKIA БИРИНЧИ НОУТБУГИНИ ЧИҚАРАДИ — ИНСАЙДЕР

Nokia биринчи ноутбугини чиқариши ҳақида тармоқ инсайдерларига асосланиб Root MyGalaxy хабар берди.

Хусусан, таниқли инсайдер Мукул Шарма ёзишича, яқин орада Nokia ўз ноутбугини тақдим этиши кутиляпти. Шарма сўзининг исботи сифатида Хиндистон стандартлаштириш идораси (Bureau of Indian Standards) сайтида жойлаштирилган Nokia бренди остидаги компютерни мамлакатда сотиш учун сертификат берилгани ҳақидаги маълумотдан скриншотни Twitterда жойлаштирди. Ишлаб чиқарувчи мамлакат сифатида Хитой кўрсатилган. Рўйхатда қурилманинг бир неча моделлари



келтирилган: NKi510UL85S, NKi510UL82S, NKi510UL810S, NKi510UL165S, NKi510UL1610S, NKi310UL82S, NKi310UL85S, NKi310UL42S ва NKi310UL41S. Блогер бундан Nokia ўз компютерларини туркум ҳавола этади дея хулоса ясаган.

Шарма ўзи аниқлаган қурилма компютер бўлиб чиқмаслиги эҳтимоли борлигини ҳам қистириб ўтган, чунки Nokia қурилмаси “лэптоплар, ноутбуклар ва планшетлар” бўлимида жойлаштирилган — қурилмаларнинг техник хусусиятлари ҳозирча очикланмагани боис олдиндан бир нарса дейиш қийин.

Шунга қарамасдан, Шарманинг ўзи Nokia янги портатив компютер чиқаради, деган гумонда.

Эслатиб ўтамиз, асосан телефонлар ва смартфонлар чиқариб келган Nokia 2019 йилнинг декабрида биринчи телевизорини чиқарганди.

## РЕЙТИНГ

### НОВАБ ОЙНИНГ ЭНГ КУЧЛИ АНДРОИД ФЛАГМАНЛАРИ (ТОП-10)

AnTuTu бенчмарки дастурчилари Android тизимли энг тезкор флагманларнинг навбатдаги ўнталигини эълон қилишди. Мазкур рейтинг 2020 йилнинг ноябрида ушбу тест иловасида текшириб кўрилган қурилмаларнинг натижаларига асосланган.

Энг кучли Android-флагманларнинг октябрдаги рейтингги ғолиблари – Huawei компаниясининг Mate 40 Pro+ ҳамда Mate 40 Pro смартфонлари ўз ўринларини сақлаб қолди. Фақат кучли учликдан iQOO 5 геймерфонини бу гал Xiaomi Mi 10 Ultra (Mi 10 Extreme Commemorative Edition) суперфлагмани суриб чиқарган.

Рейтинг етакчилари Kirin 9000 процессори базасига таянган, мазкур вазият то кунга кеча тақдим этилган янги чипсет – Snapdragon 888 асосидаги флагманлар бозорга чиқмагунича ўзармасга ҳам керак.

2020年11月份安兔兔Android旗舰手机性能排行

排名	手机型号	处理器	得分
1	华为Mate 40 Pro+	Kirin 9000	69854
2	华为Mate 40 Pro	Kirin 9000	68499
3	小米10至尊纪念版	骁龙888	67105
4	iQOO 5	骁龙888	66420
5	iQOO 5 Pro	骁龙888	66420
6	荣耀K50	骁龙888	66419
7	vivo X50 Pro+	骁龙888	66254
8	iQOO Neo3	骁龙888	64449
9	荣耀Magic 3	骁龙888	63842
10	魅族18 Pro	骁龙888	62695



Қирғизистонда референдум:

# ИНГЛИЗ ТИЛИ КЕРАКМИ ЁКИ...

Шу кунларда Қирғизистонда 2021 йилнинг 10 январига белгиланган президентлик сайлови билан биргаликда ўтказилиши режаланаётган референдумда қабул қилиниши кутилаётган Конституциянинг янги лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда.

**Ёшлар қирғиз тилида гапирмай кўйди**

Ўтган хафтада бўлиб ўтган конституциявий йиғинда кенгаш аъзоси Мақсат Чакиев инглиз тили учун ҳам рус тили билан бир қаторда давлат тили мақоми беришни таклиф қилган. Унинг сўзларига кўра, бу борада халқ томонидан кўплаб мурожаатлар мавжуд. “Ҳозир бизда рус тили расмий тил ҳисобланади. Шу тил билан қирғизистонликлар ўзаро мулоқот қилиб, 10дан ортиқ мамлакатларда эркин сўзлашмоқда. Агар кенгроқ миқёсда оладиган бўлсак, 100дан ортиқ мамлакатлар инглиз тилидан фойдаланади. Уларнинг орасида инглиз тилини ўзларининг қонунларига расмий тил сифатида киритганлари мавжуд. Агар биз янги технологиялар, инновациялар, халқаро ривожланиш жараёнларига қўшилишни истасак, унда инглиз тилини иккинчи расмий тил сифатида конституцияга



киритишимиз керак”, – деган Мақсат Чакиев.

Йиғинда иштирок этган филология фанлари доктори Сиртбай Мусаев эса, бу таклифни бемаъни деб атаган. “Мен ҳатто бу таклифни овозга қўйишни зарур, деб ҳисобламайман. Ташаббуснинг ўзи бемаъни”, – деган у.

Тил бўйича қизгин баҳслар давом этар экан, конституцион кенгаш аъзоси, жамоат арбоби Садирдин Тўралиев рус тилини расмий мақомидан маҳрум қилиш таклифини айтган. Унга кўра ёшлар қирғиз тилида гаплашмай кўйган. “Бу ради-

кал кўриниши мумкин. Аммо менинг таклифим фақат қирғиз тилини давлат тили сифатида қолдиришдир. Биз бошқа тилларни бошқа қонунлар билан ривожлантираемиз. Рус тили расмий мақомга эга. Биз унга ўрганиб, боғланиб қолганимиз. Бундай бўлмаслиги керак, дея фикрини изоҳлаган Садирдин Тўралиев. – Келажақда қирғиз тилини йўқотмаслик ва ривожлантириш учун шароит яратиш керак. Нега ёшлар қирғиз тилини ўрганмапти? Чунки бунга эҳтиёж йўқ. Сиз уни яратишингиз керак. Шундагина ҳамма қирғиз тилини ўрганиш-

ни ва шу тилда гапиришни бошлайди.

Тўралиевнинг фикри аҳоли, айниқса, русийзабон фуқаролар орасида қизгин мунозараларга сабаб бўлган. Орадан кўп ўтмай, Конституцион кенгашнинг “Инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликлари” бўлими раҳбари Нурлан Шерипов матбуот анжумани ўтказиб, рус тили Қирғизистоннинг расмий тили бўлиб қолишни билдирган.

Унинг сўзларига кўра, турли хил таклифлар бўлган, аммо конституцион йиғилиш аъзолари Бош қомусда қирғиз тилини давлат, рус тилини эса мамла-

катнинг расмий тили сифатида қолдиришга қарор қилишган.

Конституцияни ўзгартиришга қилинаётган ҳаракатлар сиёсатчилар ва жамият орасида норозлиқларни кучайтирган. Шунга қарамай, 20 ноябрда парламент спикери ва президент вазифасини бажарувчи Талант Мамитовнинг фармони билан тузилган Конституцион кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда.

**Референдум қолдириладими?**

Яқин вақтгача Қирғизистон раҳбари ваколатларини бажариб келган президентликка номзод Садир Жапаров журналистларга берган интервьюсида конституциявий ислохотларга шояшмасликни ва ундан аввал давлат бошқарув шакли тўғрисидаги масалани референдумга киритишни таклиф қилган.

АҚШ президентликка номзод Садир Жапаровнинг конституциявий ислохотларга шояшмасдан, референдум ўтказишни кейинроққа қолдириш таклифини олқишлаган. “Америка Қўшма Штатлари президентликка номзодларнинг конституциявий ислохот бўйича референдумни баҳорга ёки ундан кейинроққа қолдириш тўғрисидаги таклифини мамнуният билан қабул қилади”, – дейлади АҚШнинг Қирғизистондаги элчихонаси баёнотида.

## ДУНЁДА ҚАНЧА ҚҮЛ БОР?

Қирқ миллиондан зиёд инсон замонавий кўринишдаги қўллар, шулардан 71 фоизи аёллар ва қизлар. Қўлликни бекор қилиш халқаро кўни (1 декабр) қилган мурожаатида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш ана шу нохуш рақамларни келтириб ўтди.



“Қўлликнинг бугунги замонавий кўриниши инсонларни келиб чиқиши бўйича камситиш, мажбурий, болалар, уй

меҳнати, мажбурий никоҳлар, қарз мажбуриятлари, ишлатиш ёки фоҳишалikka мажбурлаш учун одам савдоси, болаларни қуролли низолабга жалб этиш каби шаклларда намоён бўлмоқда”, – деди БМТ Бош қотиби ўз сўзида.

Гутерриш қўлликнинг замонавий кўринишидан, айниқса, қашшоқлар, ирқий ва этник озчилик, тубжой халқлари ва муҳожирлар кўпроқ азият чекаётганини таъкидлади. Бош қотиб БМТ аъзолари ва башарият аҳлини қўллик қурбонларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу жирканч балога қарши курашишда ҳамкорликни кучайтиришга чакирди.

## Озарбайжон: ИККИТА МУҲИМ САНА НИШОНЛАНАДИ

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев 27 сентябрни Қорабоғда ҳалок бўлганларни хотирлаш кўни, 10 ноябрни эса республикада ғалаба кўни сифатида белгилаш тўғрисидаги фармонни имзолади. “Ҳар йили 27 сентябр кўни Озарбайжонда Хотира кўни нишонланади. Президент Илҳом Алиев тегишли фармонни имзолади, – дейилади матбуот хизмати хабарида. – Давлат раҳбарининг яна бир фармони билан ҳар йили 10 ноябр кўни Озарбайжон Республикасида Ғалаба кўни байрам қилинади”.

27 сентябр кўни Тоғли Қорабоғда ҳарбий ҳаракатлар қайтадан бошланди. Боку ва Ереван ҳарбий ҳолатни эълон қилиб, бир-бирини тинч аҳолини ўққа тутишда айблади. Можаро авж олиши натижасида иккала томондан ҳам ҳарбийлар ва тинч аҳоли қурбон бўлди. 10 ноябр кўни оқшом Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян ва РФ Президенти Владимир Путин Тоғли Қорабоғда ўт очишни ва ҳарбий ҳаракатларни тўлиқ тўхтатиш ҳақида қўшма баёнот имзолади.

Унга кўра, Боку ва Ереван эгаллаб олган позицияларида тўхтади. Тоғли Қорабоғ ҳудудининг бир қисми эса Озарбайжон назорати остига ўтди. 20 ноябрда Агдам, 25 ноябрда Келбежер, 1 декабрда эса Лачин ҳудудлари расман Бокуга ўтди.

## АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ПАНДЕМИЯДАН КАТТА ЗАРАР КЎРДИ

Коронавирус пандемияси ва у билан боғлиқ чекловлар туфайли Яқин Шарқ мамлакатлари камидан 150 миллиард доллардан маҳрум бўлди.

Islam Today нашрининг хабар беришича, бу ҳақда Араб давлатлари лигаси бош қотиби Аҳмад Абу Файт БМТ раҳбари Антониу Гутерриш билан учрашув чоғида маълум қилди. “Араб минтақасининг ялпи ички маҳсулоти 6 фоизга қисқарди, иқтисодий зарар 150 миллиард доллар деб баҳоланапти, тахминан 17 миллион киши ишсиз қолди, яна 15 миллион киши қашшоқликка гирифтор бўлди”, – деди Абу Файт. Унинг сўзларига кўра, араб давлатларининг қарздорлиги 220 миллиард долларга етган.



Абу Файт халқаро ҳамжамиятни минтақага ёрдам беришга, кредиторларни эса қашшоқ мамлакатларнинг қарз юкни енгиллаштиришга чакирди. “Шундоқ ҳам араб минтақасидаги кўпгина мамлакатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига урушлар, қуролли низолаб, қочқинлар ва бошқа улкан инфратузилмавий муаммолар таъсир кўрсатаётган бир пайтда пандемия оғир юк бўлиб тушди”, – дея таъкидлади Араб давлатлари лигаси етакчиси.



# 20 | 3 ДЕКАБР – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

Қадим тарих ва юксак маданиятга эга багрикент ўзбек халқи ҳар доим ногирону ночорлар бошини силаб келган. Юртимиздаги бундай эътибор ва ғамхўрлик ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ.

1992 йилдан буён бутун дунёда 3 декабр - Халқаро ногиронлар куни сифатида нишонлаб келинади. Бугун малакали психолог Дилором САГДУЛЛЕВА билан ушбу мавзуда атрофлича суҳбатлашамиз.

- Айтинг-чи, кимларга нисбатан ногирон атамасини ишлатиш мумкин?

- Жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чеклангани боис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахслар ногирон ҳисобланади. Яъни, тананинг иш қобилияти доимий ёки узоқ вақтга йўқолиши ёхуд чегараланиши ногиронлиқни аниқлатади.

- Жамиятда нафақат жисмоний, балки руҳий ногиронларни ҳам учратишимиз мумкин, шундай эмасми?..

- Аслида ногиронларни икки тоифага ажратиш мумкин: жисмоний ногирон (жисмоний аъзоларида бирорта нуқсон бўлади) ва руҳий ногирон.

Жисмоний камчилиги бор инсонларга вақтида тегишли чоралар кўрилиб, қўллаб-қувватланса, соғайиши ва фаол ҳаётга қайтиши мумкин. Масалан, мусобақа муносабати билан синфдагиларга ота-оналари бир хил чиройли кийимлар олиб беришди, аммо қайсидир оиланинг қурби етмагани боис бундай кийим уларнинг фарзандига насиб қилмади. Уша вазиятда болакай ўзини қандай ҳис қилади? Бу мисолни беқорга келтирмадим. Ногиронлар ҳам ўзларидаги камчиликни доим ҳис қилиб туришади, шу сабаб кўпчилигида тушкун кайфият ёки ўзларини керакسىздек тутиш, ҳафсаласизлик, келажагига нисбатан ишончсизлик ёки тажовузкор хулқ-атвори кузатишимиз мумкин. Масалан: кўзи оғирларга аксар ҳолларда уларни кимдир таъқиб қилаётгандек туюлади. Таянч ҳаракатларини йўқотган-

"Инсон яшашини учун ишонч керак, агар ишонч йўқолса, умид қолади, агар умид йўқолса, илинж қолади, агар илинж йўқолса, инсон яшашдан тўхтайдми..."

## ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!

ларни эса атрофдагилар таҳқирлагандек бўлаверади.

- Баъзан ногиронлар соғлом кишиларга қараганда фаол ва ҳаракатчан бўлишади. Улар табиатан шундайми ёки?..

- Ногирон киши, энг аввало, яқинлари, жамиятга кераклигини ҳис қилсагина тетик бўлади. Табиат инсонга шундай қобилият берганки, унинг имкониятлари кенг. Оддий кўриш сезгисини йўқотган одамни оладиган бўлсак, вақт ўтиб унинг эшитиш сезгиси ортади. Ёки аксинча, эшитишдан ажралган кишининг кўрув ёки бошқа сезгилари кучаяди. Демак, ҳар ким табиатнинг ушбу мўъжизаларидан фойдалана билиши керак.

Инсоннинг қандай яшаши, албатта, ўзига боғлиқ. Яшаётганимиз, нафас олаётганимизнинг ўзи катта бахт эмасми?! Буни ҳар доим ҳис қилишимиз лозим. Энг асосийси, кимгадир кераклигини ҳис қилиб яшаш, ўз устингда ишлаш, дардни қулиб енгил, турли депрессия ҳолатларидан ўзини ҳимоя қилиш даркор. Чунки кайфият қанчалик яхши бўлса, жисмоний ҳолатимиз ҳам шунчалик соғлом бўлиб боради.

Бугун олимлар инсондаги барча касалликлар стресслар туфайли келиб чиқаётганини таъкидлашмоқда. Яъни, доимий асабийлашиш, тушкун кайфият, зўриқиш ҳолатлари турли дардларнинг келтириб чиқиши ёки ривожланишига сабаб бўлади.

- Ногиронлиги бор кимсаларнинг руҳий ҳолати асосан нималарга боғлиқ?

- Келинг, аввал, атрофдагилар ким ўзи, деган саволга ойдинлик киритсак. Улар - кундалик ҳаётимизда муомала-муносабат қиладиган инсонлар. Хусусан, ота-онамиз, оила аъзоларимиз, дўст-биродарларимиз ва ҳокзо. Ногиронларнинг яшаш ва ишлашга оид ҳаракатлари уларнинг руҳий ҳолатига боғлиқ. Буни эса улар атрофдаги инсонлар белгилаб беради. Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг шундай битиклари бор: "Инсон яшашини учун ишонч керак, агар ишонч йўқолса, умид

қолади, агар умид йўқолса, илинж қолади, агар илинж йўқолса, инсон яшашдан тўхтайдми..." Шундай экан, ҳар бир одамга яшашини учун рағбат керак. У эса, ўз навбатида, мақсадимизни шакллантиради.

Умуман олганда, "ногиронлик" ўрнига бошқа атама ишлатилса, ўринли бўларди. Сабаби, биз ушбу атама орқали уларни жамиятдан ажратиб қўямиз. Ишлаб чиқариш, ҳаётнинг шиддатли оқимидан чеклаб қўйишимиз эса мутлақо ноўрин. Масалан, бугунги кунда спорт соҳасида ногиронлар терма жамоаси бор. Ишлаб чиқариш, фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида ҳам катта ютуқларга эришяётганлари кўп. Энди ўзимизга савол берайлик: нега мен шу ишларни қила олмайман? Йўқ, аслида сиз ҳам ундайсиз. Табиат инсонга шундай имкониятлар берганки, шугуланиш орқали ҳаммасига эриша олади. Фақат бунинг учун ўзига нисбатан ишонч бўлиши зарур. Ногиронларда шу ишонччи уйғотишга ёрдам беришимиз лозим. Сўз шундай мўъжизакор кучки, унинг кўмагида инсонни ҳаётга қайтариш ёки аксинча ўчириш мумкин.

Биз ногиронлар билан муомала-муносабатда ҳам меъёри билишимиз керак. Ўта мулозимат ҳам, қаҳри-қаттиқлик ҳам уларга акс таъсир кўрсатади.

- Баъзан ногиронлар кимнингдир мазах қилиши ёки камситиши туфайли ноқулай вазиятда қолишади. Шундай ҳолларда улар қандай йўл тутиши лозим?

- Ҳар қандай одам турли ҳаётий вазиятларга тушиб қолиши мумкин. Шу боис ҳар ким ўзини бундай ҳолатларга руҳан тайёрлаб бориши зарур. Ушунда кучли стресслар бошдан ўтказилмайди.

Хуллас, одам ҳар қандай ҳолатда руҳий тушкунликка тушмаслиги керак. Аслида иродаси кучли эканини кўрсатиб, бошқалардан кам эмаслигини ақлан исботлаши лозим. Шундагина бу каби ҳолатлар тақрорланмайди.



### БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ!

Ногирон кишига ёрдам бераётганда...

■ Аввал унга кўмаклашишни таклиф қилинг. Рози бўлса, нима қилиш кераклигини сўранг. Унинг айтганларини қатъий бажаринг. Аравачани итаришга ижозат берса, уни секин юргизинг. Чунки гилдирак тез айланиб кетса, бироз туртки ҳам ағдарилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

■ Кўзи оғир одамга бирор нарсага ўқиб бермоқчи бўлсангиз, олдиндан айтиб қўйинг. Чунки у диққатини жамлаб, сизга эътибор берганича бошини эшитмай қолиши мумкин.

■ Матни расмий қилиб, баланд овозда ўқиманг. Одатдаги товушда, гапирётгандек ўқинг. Муҳим хат ёки ҳужжат бўлса, ногиронга беришингиз мумкин, лекин оддий қоғозларни улар қўлига тутқизиш шарт эмас (уни қаерга қўйишни билмай хижолат бўлади). Ҳужжатга имзо чекиш керак бўлса, уни тўлиқ ўқинг. Ногиронлик имзога бўлган масъулиятдан халос қилмайди.

■ Кўзи оғир одамни ўтиришга таклиф этсангиз, ўтқазиб қўйишингиз шарт эмас. Қўлини стул суянчигига қўйсангиз бас. Бирор нарса бермоқчи бўлсангиз, қўллари унинг устига қўйишга мажбурланманг. Ўзи ушлаб топишига имкон беринг. Бирор нарса ахтариб, тополмаса, уни қўлига тикиштирманг, аста олдига суриб, қаердалигини айтинг.

■ Олдида таомлар қўймоқчи бўлсангиз, ликопчаларни соат мили бўйлаб жойлаштириб, рақамлаб тушунтиринг. Масалан: "12да - салат, 15да - наон, 18да - иссиқ овқат ва 21да - чой бор", деб айтинг.

■ Одатда, мутлақо эшитмайдиган одамлар кам учрайди. Қўли оғирларнинг кўпчилиги айрим частоталарни аниқ сезишади, маълум бир тембрдаги товушларни илғашади.

■ Гап бошлаганда, суҳбатдош диққатини ўзингизга қаратинг. Бунинг учун исмини айтинг ёки секин елкасига оҳиста қоқиб қўйинг. Бир неча одамнинг диққатини тортмоқчи бўлсангиз, чироқни ўчириб, ёқинг.

■ Қўли оғир одам юзингизни кўриб турсин. Юз ифодасидан, лаблардан, имо-ишоралардан фикрингизни ўқиб олсин.

■ Нутқда нуқсон бор одам билан гаплашганда жуда сабр-тоқатли бўлиш керак. Суҳбатни бошлаб, дарров тугатманг. Тез, яна чала гапирманг. Суҳбатнинг узоқ вақтга чўзилишига тайёр турунг. Гапини бўлманг, талаффузи нотўғри бўлса, танибхўр берманг, кулманг. Ишга шошаётган бўлсангиз, яхшиси, уэр сўраб, кейинги сафар иш вақтини келишиб олинг.

■ Нутқдаги камчилик, унинг эси паст дегани эмас. Гапини илғамаган бўлсангиз, савол беринг. Шошмасдан, дон-дона қилиб жавоб беришини сўранг. Асло таклид қилманг. Гапира олмаса, ёзиб берсин.

Камола АҲМЕДОВА суҳбатлашди



# Волонтер: “МЕН ЁРДАМГА ТАЙЁРМАН!”



ВОЛОНТЕРЛАР КУНИНИНГ НИШОНЛАНИШ ТАРИХИ 1985 ЙИЛДА, БМТ АССАМБЛЕЯСИ БУТУН ДУНЁ УЧУН ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН БАЙРАМ – КЎНГИЛЛИЛАР КУНИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ТАКЛИФНИ ИЛГАРИ СУРГАНИДАН БОШЛанади. КЎНГИЛЛИЛАР ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИГА УЛКАН ҲИССА ҚўШАДИЛАР, ШУ БОИС БАЙРАМ ХАЛҚАРО МАҚОМГА ЭГА ВА КўПЛАБ МАМЛАКАТЛАРДА МУВАФФАҚИЯТЛИ НИШОНЛанади.

2019 йилда қабул қилинган волонтерлик тўғрисидаги қонунда ҳам айнан кўнгиллилар фуқаролар, уларнинг гуруҳлари ёки кўнгиллилар ташкилотлари томонидан жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг манфаатлари йўлида ихтиёрий фаолиятни амалга ошириши тушунилади. Ҳужжатта мувофиқ кўнгиллиликнинг мақсади жисмоний ва юридик шахсларга, умуман жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофазат қилиш, уларнинг ташкилотчилигининг розилиги билан ижтимоий аҳамиятга эга тадбирларда иштирок этиш, фуқаролик позициясини шакллантириш, ўзини ўзи ташкил этиш, жамиятдаги ижтимоий масъулият ҳисси, бирдамлик, ўзаро ёрдам ва раҳмдиллик бўлиши мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам кўнгиллилар бор. Улар ўзларининг волонтер эканликларини билмаган ҳолда фаолият юритишяпти, десак тўғрироқ бўларди. Айниқса, пандемия даврида, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати нодавлат ноитижор ташкилотлари, ташаббускор гуруҳларни, волонтер ва фаолларни коронавирусга қарши курашиш ва уни оқибатларини юмшатиш йўлида ҳукуматга қўмаклашишга чорлагани ва бу озми, кўпми ўзининг яхшигина ижобий натижасини бергани ҳам сир эмас. Аммо хорижда айнан шу фаолиятга жуда анча олдин эътибор қаратилгани боис, лойиҳалари ҳам кенг қамровли. Масалан, бунга мисол қилиб халқаро workcamp лойиҳасини келтириш мумкин. Ушбу лойиҳа орқали кўнгиллилар ўзлари учун тузилган лагерларга ўз ҳисобидан дунёнинг турли мамлакатларда бирлашиб маданият фестивалларида, ариқларни тозалаш, уйсиз ҳайвонларга меҳр кўрсатиш ёки оилаларга болалар билан бирга бўлиш каби исталган вазифани бажаришлари мумкин...

## Бу қандай бошланади?

Саккиз ёшли америкалик ўғил бола Кристинан Макмиллами икки ярим йил ўртолларининг мазахлашига чидади – сочини ўстирди ва узунлиги 25 сантиметр бўлганда рак билан оғирган болалар учун парик ясашга берди. Кейин тенгдоши Томас Мур икки йил давомида сочини ўстирди. Қоравойнинг жингалак сочларидан нақд учта парик ясалди. Болакайнинг ана шу тартибда сафдошлари кўпайди – сочи тушиб кетган болаларга сочини совға қиладиган нафақат қизлар ўғил болаларнинг сафи кенгайди.

Туркиялик Гюкшеж Коркмаздан “каттарсанг ким бўласан”, деб сўрашганда “уйсиз ҳайвонларга ва беморларга ёрдам берман”, дея жавоб беради. Ва мактабда унга меҳрибонликни ўргатишларини кутади. Аммо унга меҳрибонликдан ҳеч ким сабоқ

бермайди. Ташқи қиёфаси, қомати келишган бўлгани учун моделерликка таклиф қилишади ва шу соҳа бўйича ўқишини давом эттиради. Аммо бир кун кўчада уйсиз ва касал кучукни кўриб... карьерасидан – келажакдаги катта шон-шухратдан воз кечади, ишлаб пул топади, ер сотиб олиб дайди итлар учун мурувват уйини ташкил қилади...

Кейинчалик айнан шундай болалар, яъни қалбан меҳрлилар – ўзанинг дардига бефарқ бўлмаганлар ўқиши, иши ва бошқа хоббиларидан ортиб волонтерлик қилишга қарор қилишади. Бунга йўл ана шундай кимгадир чин дилдан яхшилик қилиш истагининг кучлилиги орқали чиқлади. Волонтерликка йўл меҳрибонлик қилиш истагининг чексизлигидан бошланади. Меҳрибонликни эса пулга сотиш ҳам сотиб олиб ҳам бўлмайди.

## Кўнгиллилик касб эмас

Яқин-яқингача кўпчилик волонтерлик ҳақида маълумотга эга эмас эди. Ҳаттоки волонтерликни касб ва бунга ҳақ тўланади деб ўйлайдиганлар борлиги мана бугунга келиб аён бўлмоқда. Энг ачинарлиси волонтерман, деб манфаат излаётганларнинг кўпчилиги. Ҳўш, кўнгиллилар, яъни волонтерлар кимлар? Булар жамият учун фойдали иш қилишни истайдиган ҳар хил одамлардир. Кўнгиллилар болалар, талабалар, нафақахўрлар, саҳна юлдузлари, ижодкорлар, сиёсатчилар ва жамоат арбоблари бўлиши мумкин. Волонтерликнинг энг фаол кўриниши қийин ҳаёт шароитида бўлган одамларга ёрдам беришдир – булар ноғиронлар, етим болалар, ёлғиз кексалар, муҳожирлар, қочқинлар. Волонтерларнинг мақсади: уларни моддий ва психологик қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоийлашиш учун янги имкониятларни очишдир. Ҳозирги кунда кўплаб хайрия фондлари ва кўнгиллилар ташкилотлари ижтимоий кўнгиллилик билан шуғулланмоқдалар.

## Мақсад фақат кўмак

Edunews.ru манбасига кўра, волонтерларнинг фаолияти турли йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Атроф-муҳитни муҳофазат қилиш, ватанпарварлик тарбияси, фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар пайтида ёрдам кўрсатиш... Яна ўша манбада кўрсатилишича, волонтерлар одамларнинг турли қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган тадбирларда турли хунарлар бўйича маҳорат дарси ўтказиши, мотивация уйғотадиган маърузалар ўқиш, ҳаваскор театр гуруҳини ташкил қилиш, спорт мусобақаларини ўтказиши мумкин.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда асосий эътибор ёшларни тамаки, алкоғол ва гиёҳвандликнинг зарари тўғрисида хабардор қилишга қаратилган. У кўпинча қизқарли ўйин услубида (спорт тадбирлари, кўргазмалар, мусобақалар, юришлар) амалга оширилади.

Яна бир таниқли йўналиш – экологик кўнгиллилик. Ва бу ерда нафақат табиатни классик тушунчасида сақлаб қолиш, балки ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазат қилиш ҳақида ҳам гап боради.

Классик деб ҳисобланиши мумкин бўлган яна бир йўналиш – хайр-эҳсон. Бунга пандемия даврида ва Сардоба фожеасида кўнгилдан чиқариб ҳомийлик қилган кўнгиллиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Кўп одамлар донор бўлишни хоҳлашади ва бўлишади. Афсуски, бизда кўпинча донорлар етишмапти, чунки одамлар донорлик ҳақида билишмайди.

Аслида волонтерлар учун бошқа мамлакатларда тренинглар ўтказилади. Жамоат хавфсизлиги бўйича кўнгиллиларни ўқитадиган махсус дастурлар мавжуд. Тренинглариинг мақсади волонтерлар турли табиий офатларда одамларга қандай биринчи ва психологик ёрдам бериш, чин кўнгилдан дарддаш бўлиш кўникмаларини ўргатиш.

Бу дастурлар орқали кўнгиллилар нима қилаётганларини, нима учун рўйхатдан ўтаётганларини тушунишлари ва тайёр бўлишлари ўқитилади. Уларга савол берилганида кўнгилли: “Ҳа, мен биринчи ёрдамни қандай кўрсатишни биламан. Агар тошқин бўлса, нима қилишимни биламан. Ёнгин чиқса нима қилишимни биламан.” Шу билан бирга, фожиа содир бўлган жойда тўғридан-тўғри эмас, балки баъзи бир кўшимча ҳаракатлар билан қатнашиш имконияти ҳар доим мавжуд: масалан, гуманитар ёрдам йиғиш, кўнгиллилар оморда ишлаганда – улар қадоқлашади, саралашади. Пандемия шароитида озиқ-овқат етказиб бериш юмушлари шулар жумласидан. Бу шунингдек, жамоат хавфсизлиги нуқтаи назардан кўнгиллиларнинг жуда муҳим қисмидир. Ва буларнинг ҳаммаси ҳеч қандай манфаатларсиз амалга оширилади.

Кўнгиллиликнинг яна бир янги, тор, хали ҳам бутунлай “яшил” йўналиши бу оммавий ахборот воситаларининг кўнгиллилиги. Қаранг ОАВ ҳам кўнгилли бўлиб иштирок этишлари мумкин экан. Булар фотосуратчилар, журналистлар, ижтимоий тармоқларда машҳур бўлган одамлар, диджейлар...Улар нафақахўрларга ёки тўғридан-тўғри қамоқхонага эмас, балки кўнгиллилар фаолиятини ташкил этувчи марказлари, хайрия фондлари, улар ҳаракатларини бошқаларга етказиш орқали, кўнгиллиларни қўллаб-қувватлаш орқали волонтерларга айланишади.

## Қалб амри

“Саратонга чалинган болалар билан турли ўйинлар, тадбирлар ташкил қиламан. Кечагина кўрган дўстим бугун вафот этиши мумкин. Ҳар сафар бир дўстимни йўқотганимда “бўлди бошқа бу касалхонага келмайман”, дейман, лекин уларсиз яшай ҳам олмайман. Уларнинг кўнглини кўтараолсам, бир дақиқасига қувонч кўша олсам, бир дақиқа бўлсада беморлигини эсдан чиқара олсам шунинг ўзи катта бахт”.

“Мен одамларга позитив кайфият, хурсандчилик улаштириш ёшлигимдан истардим. Ва маскаробозлик мактабида ўқиб бунинг урдасидан чиқаялман”.

“Ёшлигимдан инсон руҳияти мени қизиқтириб келган. Уларнинг кўнглини кўтариш, тўғри маслаҳат бериш мен учун энг катта масъулиятли вазифага айланади. Тасаввур қилинг, тушунликка тушган одам йўқчиликдан азият чекапти. Ҳатто психологдан кўмак сўрашга моддий имкони йўқ. Айнан ана шундай пайтда мен ҳеч қандай манфаатсиз бир одамни ҳаётга қайтаролсам ўша кун дунёга қайта келгандек бўламан”.

“Ҳайвонларнинг пули бўлмайди. Улар сизнинг қилган яхшилигингиз учун пул тўломайди, айнан менга ўхшаган кўнгиллилар улар учун жуда керак. Меҳримизга меҳр билан жавоб қайтаришининг ўзи катта ҳузур бағишлайди одамга”.

“Табиат ҳар бир хатти-ҳаракатимиз учун, албатта, биздан ўч олади. Мен ўз хоҳишим билан ҳар доим кўча-қўйдаги елим идишларни йиғиштириш акциясида қатнашсам, экологиянинг тозаланишига ҳисса қўшаман...”

Беларус “Қизил хон” ташкилотининг ана шундай ҳеч қандай манфаатларсиз, чин кўнгилдан одамларга фойдаси тегаятган аъзолари бугун 16 минг нафардан охириб кетди...

Бизда ҳам савоб, хайрия ишларни қилишга ошиққан одамлар жуда кўп. Айниқса, хонадонларга озиқ-овқат етказиб бераётган ёки касал болаларга пул йиғиб хасталигини аритаётган волонтерлар кўпчиликини ташкил қилади. Ишонамизки, уларнинг бу хатти-ҳаракатлари фақатгина озиқ-овқат ташиш ёки моддий маблағ томонидан ёрдам бериш эмас, балки касал одамлар билан гаплашиш, уларнинг кўнглини кўтариш, керак бўлса уйини тозалаш, бир кун вақтини сарфлаб кўчада уйсиз ва овқатсиз қолган жониворларни топиб бошланили қилиш, айна пайтда ҳаммаёқда учиб юрган елим халталар, ниқоблар ва табиий кўлқопларни териб экологиянинг тозаланишига ҳисса қўшишига шубҳа йўқ. Бир волонтер ўз кундалигида ёзганидек: “Пул билан ҳамма ёрдам бериш мумкин. Лекин одамларни қалбдан тушуниш, қалбдан қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. Уларга бизнинг пулимиздан кўра меҳримиз, “тафти”миз муҳим. Худди шунингдек, ҳайвонларга ва табиатга ҳам бизнинг муҳаббатимиз муҳим. Бу муҳаббатни эса фақат ҚАЛБ АМРИ билангина улаштиш мумкин”

Барно СУЛТОНОВА,  
“Xabar” мухбири



## 22 МУТОЛАА

Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Мануэл Летиция ва Марьяни уйига жўнатди, Эунисиядан эса ёнида ҳаётини сақлаб қолган қизнинг фотосурати бўлишини истагани учун уни ёлғиз суратга олмоқчи эканлигини айтиб, яна бироз қолишини илтимос қилди.

Қиз нафақат унинг ҳаётини сақлаб қолди, балки ўзи ҳам унга ёқиб қолганди. Турли кўринишларда бир нечта суратга туширигандан сўнг, у шундай деди:

– Энди мени сувдан қандай қилиб чиқариб олганингизни кўрсатиб беринг. Эунисия жарангдор кулги билан худди матодан тикилган кўгирчоқдек қум устига ўзини ташлади. У оёқлари икки томонга чўзилган, кўзлари юмуқ ва лаблари сал очик ҳолда қимирламай ётар, худди ўликдек эди.

Мануэл бир неча суратга олар экан саволлар беришни бошлади:

– Ота–онангиз билан яшайсизми?  
– Йўқ, жаноб Андрадас. Ота–онам вафот этишган. Бувим билан хов ўша тепаликдаги катта уйда яшайман.

– Ҳа, уйингиз катта экан. Назаримда, бувингиз бадавлат ва олижаноб аёллардан. Камбағал бир сураткашнинг ҳаётини сақлаб қолганингиз унга ёқмаслиги мумкин

– Менинг бувим жуда яхши инсон! – қошларини чимирди қиз. – Сиз уни танимайсиз, шунинг учун шундай дебпиз. У, албатта, жуда бой, чунки буюм Бразилиядаги энг катта олмос савдогари эди.

– Демак, сиз бувингиз билан катта уйда бирга яшайсиз? Зерикари бўлса керак? Ёки ака–ука, опа–сингилларингиз ҳам борми?

– Йўқ, бувимдан бошқа ҳеч кимим йўқ, – маънос ҳўрсинди Эунисия, аммо дарҳол ўзини қўлга олди. – Биласизми, Риода менинг ўғай акам яшайди. Албатта, у мендан анча катта... У аллақачон ўттиздан ошган... лекин барибир у менинг акам. Бизнинг онамиз бир, оталаримиз бошқа–бошқа.

– Эҳтимол, бувингиз уни унчалик яхши кўрмас?, – эҳтиёткорлик билан сўради Андрадас.

– Эҳтиромлик ҳам гапми! Бувим уни ёлгончи деб атайди ва... – Эунисия бувининг гапларини эсларкан, пешонасини тирширтди, – оиламизнинг бахулук жонзоти. Биласизми, менинг онам уйдан қочиб кетиб, жуда эрта турмушга чиққан ва Луис туғилган. Унга ачинаман, чунки унинг ҳам бувим ва мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Баъзан бувимдан яширинча унга хат ёзаман. Ҳа, яширинча, чунки бувим у ҳақида ҳатто эшитишни ҳам истамайди. У кўп марта бувимдан ёрдам сўради, у эса ҳар доим рад этди.

– Бувингиз вафот этишидан олдин унга ҳам пул васити қилиб қолдирар?

– Бу ҳақида ҳеч қандай гап–сўз йўқ. Ҳамма пуллар менга қолади. Бувимнинг айтишича, Луис ҳали оиламизда ундан бошқа биргина одам бор экан, сариқ чақа ҳам олмайди. Бечора Луис! Менимча, у яхши одам, фақат омадсиз. Озроқ пулим бўлганида Риога унинг олдига борардим ва унга мазали овқатлар пишириб берардим.

– Уни бирор марта кўрганмисиз?

– Фақат суратини, – бош чайқиди Эунисия. – Бултур у менга хат ёзди.

Бувим уни кечирганим–йўқми, шунинг сўрабди, хатжилда сурати ҳам бор экан. Унга жавоб ёзганимда мен ҳам ўзимнинг суратимни қўшиб жўнатдим. Луис ёши катта бўлса ҳам жуда келишган.

– Уша Луисингизнинг фамилияси қандай?

– Луис Феррейра.

– Бирор жойда ишлайдими?

– "Аранья" меҳмонхонасида ҳисобчи, – жавоб берди қиз.

(Детектив)

Ричард ДЕМИНГ



# МАЛЛАСОЧ ЭУНИСИЯ

**ҚИЗ КЕТГАНДАН  
СЎНГ У ҚАХВАХОНАДА  
УЗОҚ ЎТИРДИ, УМ-  
МОНГА ТИКИЛГАНЧА  
ЭНДИ НИМА ҚИЛИШ  
КЕРАКЛИГИНИ ЎЙЛА-  
ДИ. УЧ ЮЗ МИНГ  
КРУЗЕЙРО – БУ ЖУДА  
КАТТА ПУЛ ВА УНИ  
ЙЎҚОТИШНИ ИСТА-  
МАЙДИ! ЛЕКИН  
ҲАЁТИНИ САҚЛАБ  
ҚОЛГАН ОДАМНИ ҲАМ  
ЎЛДИРОЛМАЙДИ...**

Кийимларини алмаштиригандан сўнг, Мануэл Андрадас қўтқарувчисини қахвахонага олиб борди ва ўзига ноодатий сажийлик ила лимонад билан меҳмон қилди. Эунисия икки шиша ичди ва бувиси хавотир олишини айтиб уйига жўнади.

– Сиздан беҳад миннатдорман, Эунисия, – деди хайрлашар чоғи фотограф. – Ким билсин, мен ҳам сизга қачондир бир кун керак бўлиб қоларман.

Қиз кетгандан сўнг у қахвахонада узоқ ўтирди, уммонга тикилганча энди нима қилиш кераклигини ўйлади. Уч юз минг крузейро – бу жуда катта пул ва уни йўқотишни истамайди! Лекин ҳаётини сақлаб қолган одамни ҳам ўлдиrolмайди...

Мануэл Андрадас шу куннинг ўзидаёқ тунги рейсда тайёр пухта режа билан Риога қайтди. У ҳаётини сақлаб қолган малласоч қиз олдидаги қарзини қандай узишни биларди. Сураткаш уйига кетиш ўрнига, аэропортдан тўри ўз студиясига борди ва ишга киришди. У Байяда олинган тасмаларни текширди ва энг яхшисини танлаш ва уни катта-лаштиришдан олдин узоқ вақт давомида лупа орқали негативларни диққат билан

ўрганиб чиқди. Сўнг қайта–қайта телефон кўнгироқлари орқали Родолфо билан боғланиб, эрталаб кўришишлари ҳақида келишиб олди. Барча ишларини тугатгач, Мануэл уйига қайтиб, ўрнига чўзилди ва дарҳол донг қотиб ухлаб қолди.

– Бу аёл эмас, – энгил танбех берди эртаси кун Родолфога Эунисия Камарра фотосуратини кўрсатаркан у, – болаку.

Даллол жонсиздек қум устида ётган малласоч қиз суратига диққат билан тикилди ва қаноат ҳосил қилганча бош ирғади.

– Уйлайманки, бу мижозни ҳам қониқтиради, – деди у танбехга эътибор бермай. – Суратни олсам бўладими? Буни мижозга кўрсатишим керак. Агар ҳаммаси жойида бўлса, эртага соат учда шу ерда учрашамиз. Ушанда хизмат ҳақингизнинг қолганини ҳам оласиз...

Эртаси кун роппа–роса соат учда Родолфо Мануэлни гул дўконига кутиб олди. Сураткаш унинг хурсанд кўринишидан сурат ҳеч қандай шубҳа уйғотмаганини тушунди. "Иш мукамал бажарилган, – мақтади замонавий бино – "Аранья" меҳмонхонасидан чиқиб кетди. Сиз, ҳар доимгидек, устаси фарангсиз". У шу сўзларни айтгач, Сураткаш кўлига бир боғлам пул тутдию жўнаб кетди.

Мануэл Андрадас пулларни бепарволик билан чўнтагига солди ва йўлакка чиқди. У такси тўхтади, Копакабанага йўл олди ҳамда ойнаванд ва бетонли тўққиз қаватли замонавий бино – "Аранья" меҳмонхонасидан чиқиб кетди. У таксига рухсат бергач атрофга аланглади ва мамнун бош ирғаб қўйди. Байядан фарқли ўлароқ, соҳилда игна тушишга жой йўқ эди. Бундай шароитда ишлаш осон – тезда оломон орасига сингиб кетиш мумкин.

Мануэл кўчанинг нариги тарафига ўтди ва автомат–телефондан "Аранья" меҳмонхонасига кўнгироқ қилди. Бир дақиқадан сўнг у Луис Феррейра билан гаплашиб олди. У кутганидек, Эунисия ўғай аксининг овози ёқимсиз, бақироқ ва гинали эди.

– Мен сизга Байядан хабар олиб келдим, жаноб Феррейра, – деди Сураткаш бўғик овозда. – Сизни ўн дақиқадан сўнг меҳмонхонангиз қарши-сидаги пляжда кутиб оламан. Варрак сотиладиган киоск олдида.

Жавобини кутмасдан Мануэл гўшакни илди ва кабинадан чиқди. У варрак сотиладиган киоскдан ўн кадамча

нарида тўхтаб кута бошлади.

Бир неча дақиқадан сўнг меҳмонхонадан бироз эгилган ва сариқ сочлари аллақачон сийраклашиб қолган йигит чиқиб келди. Унинг хавотирга тушгани шундоқ билиниб турарди. У йўлдан югуриб ўтди, киоск ёнида тўхтади ва ҳадик билан атрофга аланглай бошлади, ҳар сонияда чап қўлидаги арзон соатига қараб кўярди.

Бу Эунисия Камарранинг ўғай акаси эканлигига оид сўнги шубҳа ҳам йўқолди. Мануэл сайёҳлар оломони оралаб аста–секин у томон йўл олди. Металлдан кесиб олинган ва учи обдон ўткирланиб, қандайдир қора суюқлик суртилган тигни ўнг қўли кафтига яширди.

Киоск атрофида харидорлар гавжум эди, беш қадамлар нарида тўрт ўспириб волейбол уйнашар, Феррайранинг шундоққина оёқлари остида эса жуда семиз бир эркак ва аёл қумда товланишарди.

Унинг ёнидан ўтар экан Мануэл Андрадас гўё товланаётганлар оёқларига қўқилиб кетди ва албатта тасодифан Луис Феррейранинг оёқларини босиб олди. Йиқилмаслик учун у қўларини силкитди ва сездирмасдан тигни ҳисобчи билалига санчди.

Тиг зарбини оёғидаги анча кучли оғрик босиб кетди. Феррейра кучсиз фарёд билан четга сакради ва сўкинди. Қотил хушмуомалалик билан ноқулайлик учун уэр сўради ва йўлида давом этди. Бир неча сониялар ичиде у оломон орасида гойиб бўлди.

Мануэл секин ва орта қарамасдан кетиб борарди. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди, чунки у орқасида нималар бўлаётганини биларди.

Суюқлик аллақачон Луис Феррейра қонига ўтиб, ўзининг ҳалокатли ишини бошлагандир. Феррейра балки на қўлларини, на оёқларини қимирлатишга мажолсиз қум устида ётгандир. Икки, кўпи билан уч дақиқадан сўнг юраги уришдан тўхтади ва у ўлади. Унинг ўлимидан сўнг деярли имконсиз ишни бажарган – Мануэл Андрадас қалбидаги ўзи аллақачон мавжудлигини унутиб юборган энг нозик торларни черта олган байлиқ меҳрибон малласоч қиз ҳаёти хавфдан ҳоли бўлади. Агар кимдир ҳаётингизни сақлаб қолса, керак бўлса сиз ҳам худди шундай жавоб беришингиз керак.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ  
таржимаси





# КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ МАРМАРАК ЧОЙ ИЧИНГ

Германиянинг Эссен университет клиникаси вирусология институти олимлари мармарак (шалфей) ва перилладан тайёрланган чой вирусга қарши кучли таъсирга эга бўлиб, янги коронавирус фаоллигини пасайтиришини аниқлашди. Бу ҳақда *BioRxiv* ртали хабар берди.

Тажриба чоғида вирусологлар коронавирус юққан ҳужайраларни мармарак, перилла ва кашничдан тайёрланган гиёҳли чойлар билан инкубация қилишди. Чойларни тайёрлаш учун олимлар дастлаб ичимликнинг қайнаб чиқишини кутишди, кейин эса 60 даража сув ҳароратида икки соат дам едиришди.

Тадаққотчиларнинг аниқлашича, коронавирус кўпайишининг олдини олиш учун қисқа муддатга перилла ва мармаракни қабул қилиш ҳам кифоя – бундай натижага ҳужайраларга ярим соат ишлов берилгандан сўнг эришилган. Шу билан бирга, да-



волаш самараси умумий вирусга қарши таъсир ҳисобига эришилиши аниқланди. Негаки, ушбу гиёҳлар оддий герпес вирусига ҳам худди шундай таъсир кўрсатишган.

Олимлар бундай чойлардан коронавирус инфекциясининг олдини олиш мақсадида фойдаланиш мумкин, деган хулосага келишди.

## ➤ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

### ҚИШДА БЕНЗИННИ ҚАНДАЙ ТЕЖАШ МУМКИН?

Қиш-қировли кунларда машиналар бензинни кўпроқ ёқади, сабаблар кўп: моторни узоқ қиздириш, йўлларнинг аҳволи, машина мойининг ёпишқоқлик даражаси ва ҳоказолар. Бундай вазиятда қандай йўл тутуш, ёнилғи сарфини камайтириш бўйича “За рулём” журналі экспертлари маслаҳат беришяпти.



Демак, экспертларга қулоқ тутадиган бўлсак, машина кузовини қордан тозалаб бўлгунча моторни қиздириб олиш кифоя, ҳаракатланишни эса кескин кўзгалаш билан бошламаган маъқул. Машинани эринмасдан, қордан яхшилаб тозалаб тавсия этиляпти, шунда ҳам “темир тулпор” енгиллашади, ҳам ҳаво оқими қаршилиги камаяди.

Совуқ кунларда машина моторига ёпишқоқлик даражаси паст мой қуйишни тавсия этишяпти, шунингдек, шиналардаги ҳаво босимини назоратдан қочирманг: совуқда пасайиб кетган бўлиши мумкин, босимнинг камайиши эса, маълумки, ишқаланиш кучини ошириб ёнилғининг ортиқча сарфига олиб келади.

Ҳайдовчилардан қишда машинадаги ортиқча барча нарсалардан, жумладан, машина томидаги юкхонадан воз кечиш тавсия қилиняпти, машинага кўшимча юк – қўшимча ёнилғи сарфи, дегани. Қолаверса, қишда машинанинг бошқариш усулини ҳам ўзгартириш, жойдан кескин кўзгалмаслик, тезликдан тезликка силлиқ ўтиш каби маслаҳатлар берилган.

## ➤ ЭЪЛОН

“Электромагнит мослашув маркази” давлат унитар корхонаси Электромагнит мослашув экспертизаси, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизматларга тарифлар 2021 йил 1 январдан ўртача қийматда 20 фоизга ошишини маълум қилади.

Тўлиқ маълумот билан корхонанинг расмий веб-саҳифасида [www.cemc.uz](http://www.cemc.uz) танишиш мумкин.

Настоящим сообщаем, что с 1 января 2021 года тарифы на услуги по экспертизе электромагнитной совместимости, регистрации и эксплуатации радиоэлектронных средств и высокочастотных устройств ГУП ЦЭМС повышаются в среднем на 20%.

С подробной информацией можно ознакомиться на официальном сайте предприятия по адресу: [www.cemc.uz](http://www.cemc.uz)

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси учқўприклик соҳа фахрийси, Иккинчи жаҳон уруш қатнашчиси

**Содиқжон бобо МАМАЮСПОВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



2012 йилда 1-Тошкент педагогика коллежи томонидан Тажибаева Зухра Абдижамил қизига берилган 5588-сон билан рўйхатга олинган К №2714112 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕК ҚИЛИНАДИ**.

Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун уч нарса керак: диққат, интизом ва ҳаракат.

Жалолиддин Румий

## ИБРАТ



### РОСТГУЙЛИКНИНГ

### ҲАЙРЛИ ОҚИБАТИ

Ислон буюқларидан Абдуқодир Гилоний болалида ўқишга бориш учун онасидан рухсат сўради. Онаси рухсат берди, фақат қаерга бориб ўқишини сўради. Ёш Абдуқодир онасига ўша пайтларда Ислон дунёсининг илм-маърифат маркази бўлган Бағдодга бориб, ўша ерда ўқимокчи бўлганлигини айтди. Онаси рози бўлди.

Онаси кичкина Абдуқодирни жуда севар, ундан айрилиши қийин бўлса ҳам Аллоҳ йўлида илм ўрганиши уйда ўйнаб юришидан яхшироқ деб тушунди ва ўғлининг хирқаси (тўни) ичига тушиб қолмасин ва йўқолмасин деб қирқ олтин тикиб қўйди. Уғлига: “Уғлим, ҳеч ёлғон гапирма. Муслмонлик тўғрилиқ динидир, тўғриликдан айрилма (ҳамиша тўғри бўл)” деб насихат қилди.

Шундан кейин она-ўғил хайрлашдилар (бир-бирларидан розилик тиладилар), ёш Абдуқодир бир қарвонга қўшилиб йўлга чиқди. Йўлда қарвон қаршисидан олтишта отлиқ чиқиб тўсди. Булар йўлтўсар, қарвонларни талайдиган қароқчилар тўдаси эдилар. Кўпчиликни ўлдирдилар.

Қароқчилардан бири боладан нимаси борлигини сўради. Бола ёлғон гапирмаслик ҳақида онасига берган сўзини хотирлаб: “Қирқ олтиним бор”, деди. Қароқчи бу бола мени алдаяпти деб ўйлаб ундан нари кетди. Кейин бошқа бири келди: “Эй бола, қанча пулинг бор?”, деб сўради. Бола яна ўша гапни қайтариб: “Қирқ олтиним бор”, деди. Юпун кийинган бу болада қирқ олтин нима қилади, у мени алдаяпти деб ўйлаб, у ҳам нари кетди. Кейин учинчи йўлтўсар келиб: “Қанча пулинг бор, бола?” деб сўради. Унга ҳам: “Қирқ олтиним бор”, деб жавоб берди.

Қароқчи боланинг қўлидан ушлаб бошлиқлари олдиға олиб борди ва: “Бу бола қирқ олтиним бор деяпти”, деди. Қароқчилар бошлиғи “Олтининг қани?” деб сўради. “Тўним ичида” деб жавоб берди бола. Бош қароқчи буйруғи билан тўнни йиртиб кўришди, ҳақиқатан унинг ичидан қирқ олтин чиқди. Қароқчилар бошлиғи хайрат билан: “Нега тўғрисини айтдинг, ёлғон гапирганингда олтинларингни қўтариб қолардинг”, деди.

Ёш Абдуқодир кулимсираб:

– Ҳеч ёлғон гапирмайман, деб онамга сўз берганман, – деб жавоб берди.

Кўзлари қон ва гуноҳга тўлган қароқчиларнинг бошлиғи диққат ва синовчи бир назар билан Абдуқодирнинг юзига тикилди. Бирдан қароқчининг кўзи очилди, хайрат ва ҳаяжондан кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқиб юзига оқди ва меҳрибонлик билан:

– Қаранг, бу бола онасига берган сўзида турибди ва унга вафо қилмоқда! Мен эса шунча йиллардан бери Аллоҳимга хиёнат қилиб келаман. Бу йигитча менинг ҳалоскорим бўлди, мен барча разил ишларимдан тавба қиламан! – деди. Қалби, қаҳри тошдай қаттиқ бошлиқларининг атрофидаги қароқчилар баробарига:

– Шу кунга қадар йўл тўсиб, одам ўлдириб қароқчилик қилишда бошлиғимиз эдинг, энди гуноҳларимизга тавба қилиш ва яхши, хайрли ишларда бизга бош бўл, – деб хайқирдилар.

Бошлиқларининг буйруғи билан қарвонда кимдан нима олган бўлсалар қайтариб бердилар, қарвон эсон-омон йўлида давом этди. Қароқчиларнинг тоғ қояларидек қаттиқ тош қалбалари юмшаб, тавба қилдилар. Қилган ёмон ишларидан пушаймон бўлдилар...

Юсуф Товаслийнинг “Ҳикматлар хазинаси” китобидан





UZTELECOM



**UZTELECOM JAMOASI BARCHA YURTDOSHLARIMIZNI KONSTITUTSIYAMIZNING 28 YILLIGI BILAN TABRIKLAYDI**

**Xabar**

**МУАССИС:**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,  
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,  
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Усмоғжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлем ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100000, Тошкент шаҳри,  
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй  
(мўлжал: Олой бозори).  
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,  
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.  
Навбатчи: Муҳиддин СОЛИЕВ.



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1257 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 6 босма табақ.  
Адади: 3955 нусха.

**ISSN 2010-6424**

Босишга топширилди — 17.00.  
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда	Бухорода	Жиззахда	Наманганда	Навоийда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида
226-47-80	(99)854-7305	(94) 199-95-64	(91) 353-71-25	225-91-10	554-35-45	(91)557-84-44	(91)235-88-68	234-18-59	(97) 211-65-05	244-18-05	(93)931-08-99